



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 29 июл,  
шанба № 125 (2174)

# ISHONCH

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида

Юскак даражадаги илмий изланишларни амалга ошириш, ноёб ихтиро ва кашфиётлар, энг замонавий талабларга жавоб берадиган техника ва юқори технологияларни, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган етук бадий асарлар яратишни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

- 2007 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг:
  - фан ва техника;
  - адабиёт;
  - санъат ва меъморчилик йўналишларида жами олтита — учта биринчи даражали ва учта иккинчи даражали Давлат мукофотлари таъсис этилсин. Ҳар қайси биринчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараварига, ҳар қайси иккинчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараварига тенг бўлиши белгилаб қўйилсин.
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгаш ташкил қилинсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномаларни қабул қилиш ва уларни саралаш, Давлат мукофотларига номзодлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг илмий, ижодий, адабий ва бадий ишларининг кенг муҳокамасини ташкил қилиш, экспертизадан ўтказиш ҳамда тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш Давлат мукофотлари бўйича кенгашнинг асосий вазифаси деб белгилансин.
- Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Илғари Ўзбекистон Республикасининг Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Камолiddин Беҳзод ва Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари билан тақдирланган лауреатларнинг мазкур мукофотлари ўз кучини сақлаши белгилаб қўйилсин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил қилиш тўғрисида" 1997 йил 23 январдаги ПФ-1701-сон Фармонининг 8-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда: мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин; Давлат мукофоти лауреатларининг дипломи, гувоҳномаси ва кўкрак нишони лойиҳасини яратиш учун танлов эълон қилсин ва белгиланган тартибда тасдиқлансин.
- Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 25 июл

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти, буюк сиймолари билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимиз ва маънавиятимизнинг кўҳна бешиklarидан бири бўлган, ноёб тарихий-меъморий обидалар, муқаддас қадамжоларни ўз бағрида асраб-авайлаб келаётган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик қутлуғ санасини 2007 йилда Мустақиллик умумхалқ байрами билан боғлиқ тантаналар кунларида кенг миқёсда нишонлаш ҳамда юрдошларимиз, хусусан, ёш авлодни миллий гурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:

- ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2005 йил 20 октябрдаги 33-сессиясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш ва унда ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.
- Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга

тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби, тадбирлар дастури 1- ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2006-2007 йилларда Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни таъмирлаш, ижтимоий ҳамда коммунал соҳасида хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва ободонлаштиришга доир тадбирлар дастурини 3-иловага мувофиқ амалга оширсин.

(Давоми 2-бетда).



Ушбу сонда:

### ДАВРАЛАРНИНГ ФАЙЗИ

БУГУН У НИМА БИЛАН БЕЛГИЛАНЯПТИ?



3



4

ИМТИҲОНГА УЧ КУН ҚОЛДИ


9

ҲАЁТ  
ГАВҲАРИ

ТУРКУМ ДАВҲАЛАР



10



САНЪАТГА АЙЛАНГАН  
БОЛАЛИК

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

(Боши 1-бетда).

4. Ўзбекистон Фанлар академияси, Самарқанд давлат университети, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Самарқанд шаҳрида 2007 йил май ойида «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ташкил этиш, мазкур анжуман ишига мамлакатимиз ва чет эллардаги таниқли олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, уни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш, шу мавзу билан боғлиқ бадиий-тарихий кўргазмалар уюштириш, конференция материалларини чоп этиш ва кенг ёритиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Белгилаб қўйилсинки, халқаро илмий конференцияни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети ҳисобидан қопланади.

5. Самарқанд шаҳрининг

2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган мажлисларида тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

6. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга доир тадбирлар дастурини амалга оширишда ҳомий сифатида қатнашиш истагини билдирган нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий ва халқаро тузилмаларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига ба-

ғишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари ҳамда 2006-2007 йилларда тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари билан боғлиқ барча харажатлар ушбу тадбирларни бажаришга масъул вазирликлар, ҳокимликлар ва идораларнинг 2006 йилда шу мақсадлар учун кўзда тутилган, шунингдек, 2007 йилдаги бюджет параметрларида режалаштирилган маблағлари доирасида ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 25 июль

И. КАРИМОВ

## Ўзги соғломлаштириш



Самарқанд шаҳрининг жанубий қисмини Омонқўтон, Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмалари ўраб олган. Бу тоғлар асосан игна баргли ўрмонлар билан қопланганлиги боис уни Самарқанд Швейцарияси деб аташди.

Самарқанд туман Халқ таълими бўлимига қарашли мактабларда 51 минг уч юз нафар ёш таълим олмақда. Шундан 1-8 синфларда 46 минг нафари ўқийди.

— Бу йилги ёзги таътилда барча мактабларда кундузги дам олиш масканлари ва тўрт жойда доимий оромгоҳлар очилган. Ёз давомида уларда 1500 нафар болаларимиз ором олиб, таътиллари мароқли ўтказишади, — дейди туман ХТБ раҳбари Мусаввара Жумаева. Айни пайтда тумандаги хушманзара Оҳалик ва Миронкулда «Ситора», «Учқун» ҳамда «Камалак» оромгоҳларида болалар яхши ҳордиқ чиқаришмоқда.

«Учқун» оромгоҳида 80 нафар болакай 2-босқичда дам олмақда. Болажонларнинг дам олишларини мазмунли ташкил этиш учун спорт мусобақалари ўтказилмоқда, тарихий жойларга саёхатлар уюштирилмоқда.

Суратларда: «Учқун» оромгоҳи ҳаётидан лавҳалар.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Айтгил, инсон, нима қилдинг Ватан учун?

Ватан соғинчи, Ватан меҳрини ундан айро тушганларгина кўпроқ ҳис этишади. Она заминдан салкам чорак аср узоқда бўлиб, қулоқлик азобини чекиб юрган бобомнинг ҳар тонгда уйқудан туриб бир қафт тупроқни кўз-қошларига суртиш одати борлигини элас-элас эслайман. «Етказганингга шукур!» Сўнги нафасларигача бу каломни тилдан қўймадилар...

## Ватанга муҳаббат ёхуд юзи ёруғлар

Ватан асли ўзи недур. Туйқусдан саволга тутайди ўғлим. Ватан меҳрини изҳор қилишга лўнда жавоб тополмасдан қийналаман. Билмадим, балки икки дастдан бебаҳра йигитчилик суёлмасмиз, Ватанни. Уни уста Нодир дейишарди. Кажрафтор фалакни сўроғу маломатларга кўммасди. Бошқаларни билмадим у з қарашлари билан яшаб ўтди раҳматлик. Мирзаободликлар ҳали-хануз эслайди, хотирлайди. У ҳаётни жуда севарди. Бу муҳаббат инсон иродасининг неларга қодирлигини кўрсатди.

Тақдир ҳукмими, қисматми, Нодиржоннинг иккала қўли ишлагандан қолди. Оёқлари ҳам айтганига кўнавермасди. Аммо у тўшақда миҳланиб қолмади. Зукко ақлини оёқлари орқали ишга солди. Ҳар қандай маиший хизмат асбоби, радио-телевизорни созлашнинг урдасидан чиқарди. Маҳалла-қўй, қавми-қариндошлардан бошланган холис хизмат кўшни қишлоқларгача ёйилди. Бармоқ панжаси урдасидан чиқмаган ноқил таъмирни оёқ панжалари билан эгларди. Уста маҳоратига тан бериб, чўнтак қовлаганларни хушламасди. Даргоҳидан қувиб соларди. Дераза ойнасига ҳеч маҳал парда тортирмаган. Нигоҳим билан эмас, қалбим, нафасим билан ҳам юрт ифоридан баҳра олай, дерди шоирона. У ҳеч маҳал дил изҳорини тилига чиқармаган. Юртдошларини юракдан севди. Кимгадир фойдаси текканидан ҳузур-ҳаловат топди. Хасталигича қолмасдан хизматга бел бойлади. Одамларга меҳри адоқсиз эди. Шу ҳур заминга муҳаббати, яшашга иштиёқ чексиз бўлсада, уни тилига кўчирмай ўтди. Дил изҳорини юракда олиб кетган бўлса не ажаб.

Янгиерга ҳар гал борганимда у кўчадан ўтаётган ёшларнинг жиддий тортишини, тўсатдан қадамлари шахдамлашганини кўраман. Шу ерлик Умиджон исмли йигитчининг таъкидлашича, бу жойдан ўтганда қалбада гурур, ҳавасиштиёқ уйғонармиш. Сиру синоати нимада экан. Кўчага кечагина бу ерда шовқин-сурон солиб ўйнаган, орзулари бир олам Алишер Салимов номи берилган. Бугун у орамизда йўқ. Аммо жасорати, фидойилиги мангу қолди. Катта лейтенант Алишер Салимов уруш қурбони эмас. У жаҳолат, қабохат-разолатга ботганларга қарши кўрагини қалқон қилди. Манфур кимсалар Ватаннинг юксакдаги бир гўшаси — Сариосиё тоғларида ин қурмасин, деб ҳалок бўлди. Ҳали ёш эди. Севиб ҳам улгурмаганди ҳатто. Юрагида Ватанга, она халққа оташин муҳаббат лиммо-лим эди унинг. Аммо ҳеч қачон бу туйғуни тилга чиқармади. Қалб қатида сақлади. Бу мард йигит кимнинг фарзанди эди ўзи? Бобоси Тожиқўзи Болтабоев ёшлиғида қўлига қурол олиб ватан ҳимоясида турган. Меҳнат жабҳасида унинг кўксини қаҳрамонлик ордени безаган эди. Бобо набирасига Ватанни жимгина, аммо юракнинг туб-тубидан суюшни ўргатди. Ватан учун фидо бўлганида кўзларидан аччиқ ёшларини ичига ютиб, эр йигит элнинг боласида, шу учун дунёга келган, дея ўзини юпатди. Тожиқўзи бобо Алишернинг ўқаси ҳарбий бўлишни, Ватанга посбон бўлишни дилига тукканида ҳам жим турди. Вой аканг ундок бўлувди, энди сенга йўл бўлсин, дейишдан ўзини тийди. Бобо учун шундай бўлиши керакдек. От изини той босиши шартдек.

## Ватанга хиёнат ёхуд юзи қаролар

Онаизор қақшаб титрайди. Сенга берган сутимни ерларга соққаним яхшийд, деган нолалари юракларини тилиб ўтади. Ҳақ йўлдан адашган фарзанд уни шу кўйга солди. Ўғли асл, ўктам йигитмиди, ўзи?! У кимнинг тарбиясини олган эди. Биз унинг ўғлини танир эдик. У кўрагига муштраб, доим Ватан ҳақида лоф-қоф урарди. Тил учидаги муҳаббатдан энг аввало ўз манфаатини кўзлаган, қолаверса, кимларгадир малайлигини ниқоблаётган экан. Унинг асл қиёфаси тезда ошқор бўлди.

Ўтқир Муротқосимов сўзамол, ўзини ақлу донишлардан санарди. Ватан ҳақида гап кетса жағи жағига тегмас эди. Тили бошқа-ю, дили бошқалигини пинҳон тутарди. Содда-гўл, ёш-яланларни йўлдан оздириш пайида бўлди. Халқимизнинг бундай нобакорлардан азият чекиб, ҳаловати бузилаётганлигини кўрабила туриб бу йўлдан қайтмади. Мамлакатимизда фаолияти таъқиқланган, диний-экстремистик партиёга аъзо бўлиб кирди. Иродаси бўш, пуч сафсатааларга ўч ўтқирга ҳомийлари дарров суяк ташлашди. Унга Сирдарё вилояти — «нақиби» даражасини тўхфа этишди. Амал деса томдан ташлайдиган йигит атрофига баъзи ғаддор кимсаларни, ҳали ҳаёт тушунчаси шакланмаган, тарбияси бўш содда ва гўл ёшларни

тўплаб диний-экстремистик ташкилот ғоясини тарғиб қилиб келган. Хўш, асл муддао нима эди? Халифалик давлатини тузиш, ҳокимиятни босиб олиб, мамлакат яхлитлигига путур етказиш. Туя ҳаммомни орзу қиларкан. Ўтқирнинг атрофида ана шундай бузғунчи ўй ҳаёлда бўлган 22 нафар киши бирлашган эди. Ҳатто Гулистон, Бахт шаҳарларида ва Сайхунобод туманида гуруҳлар тузишган. Йўлни қийшиқ арава бузади деганларидек, сотқинлар қавми одамлар онгини захарлашга уринган. Аммо гўл, лақмаларни топиш ҳозир осонмас. Чунки биз кечаги одамлар эмасмиз. Давр ўз ҳақ-ҳуқуқимизни билишни, уни ҳимоя қила олишни ўргатди. Энди ҳар қандай илон кўйнимизга сирғалиб қира олмайди. Шу боис ҳам Ўтқир Муротқосимов унинг Тошкентдаги паноҳи Ҳасан Абдурахмонов ҳамда 22 нафар диний-экстремистик гуруҳ таъсирига берилган кишилар муродига етмадилар. Уларнинг ғоявий пуч варақалари, аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш, кўрқув тугдириш, халифаликка асосланган қуллик ва мутеликни тараннум этувчи давлат барпо этиш йўлидаги уришлари жиловланди. Фуқаролар тинчлиги ва хотиржамлигига таҳдид солиш умидида бўлганлар яқинда суд ҳукми билан қонуний жазога тортилди.

Тақдир азал кимгадир шарафли ўлим, кимгадир ўлимдан ҳам азоблироқ тирикликни насиб этади. Бу қисматни инсон ўзи танлайди. Бағри осмон ватанга ҳеч ким ўғай бўлмаган. Юрт Алишерга не берса Ўтқир қуруқ қолмаган эди. Аммо тузни оқлаш осон эмас. Ибратли тақдир эгаларининг ҳаёти бизга сабоқ, йўлдан адашмаслик учун маёқ бўлиб қолаверари. Ватанни жар солиб эмас, жимгина суйгин. Кекирдакка зўр берганлардан кўрққин, болам!

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«Ишонч» муҳбири

Мулоҳаза

**Халқимиз орасида ўзи бутун, номи яримта, деган ҳазилнамо ибора бор. Англаган бўлсангиз керак. Бу ерда сўз ичкилик ҳақида кетаяпти. Ҳазил-ку ўз йўлида, аммо ана шу номи яримта бугун ҳаётимизга тўла маънода кириб бораётгандек назаримда. Гарчи бу ҳақда кўп ва хўп гапирсак, ёзсак-да, уни ҳаммиша қоралаб танқид қилсак-да, аҳвол сира ҳам ўзгармаяпти. Яъни гўдак туғилганида ўтказиладиган бешик тўйидан тортиб, мучал ва никоҳ тўйлари, юбилей, базм тантаналар, туғилган кун, гапу гаштакларгача, қўйинги, икки киши учрашиб қолганда ташкил этиладиган энг кичик давраларгача барча-барчасининг кўрки, давраларнинг файзини дастурхонга тортиладиган ичкиликлар белгилаб бераяпти. Шуни таассуф билан айтиш керакки, орамизда ичкиликсиз кечган сўхбатларни носамимий, ҳатто ичкилик тортилмаган дастурхонларни файзсиз, дея атайдиган кимсалар ҳам учраб туради.**

Инсон ақлий салоҳияти, илм тафаккури маҳсули ўлароқ жуда кўп кашфиётлар, ихтиролар қилинди. Кашфиёт ва ихтиролар ўз номи билан кишилар оғирини енгил, узогини яқин, мушкулни осон этишга хизмат қилмоқда. Уларнинг барчаси бизнинг замонамизда янада тақомиллашиб бормоқда. Афсуски, кашфиётлар орасида инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф соладиган, умрига зомин бўладиганлари ҳам борки, булардан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, қачонлардир кашф этилган совуқ қуроллар ҳамда инсоният тараққиёти ва келажагига раҳна соладиган бир қатор бошқа кашфиётлар ҳам

хатто фожеаларнинг содир бўлиши ҳам аянчли ҳолдир. Уни ичган киши фақат ўзи эмас, балки барчага зиён етказади. Хуллас, ичкиликнинг салбий хусусиятларини санаб адоғига етиб бўлмайди.

Ривоят қилишларича, бир мамлакат подшоҳи хузурига қўшни мамлакат подшоҳи ўз элчиларидан кўп совға-саломлар бериб юборибди. Улар орасида шароб тўлдирилган идишлар ҳам бор экан. Шароб ҳали бу мамла-

қичарар экан. Баъзан ичиб маст бўлиб қолган нобакор фарзандларнинг ота-онасига қўл кўтарганини, ҳатто уларни ўлдиришгача бориб етишганини эшитиб "алҳазар" деймиз. Ана шу падаркушликнинг асосий сабабчиси ҳам ичкилик экани исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Ҳамкасбим фиғони чиққан, асаби бузилган ҳолда хонага кириб келди. "Тинчликми, нега эрталабдан жиғибийрон бўлаяпсиз?" деб сўрадим.

бўлиб дилингиз ранжийди.

Аёл азал-азалдан гулга қиёсланган, унга нисбатан юксак эҳтиром кўрсатилган. Ана шу гулга зарра гард қўнса, эҳтиром этилмаса, аёллик шаънига доғ ҳисобланган. Ҳолбуки, аёл — она, у уй бекаси, ҳаёт давомчиси. Аёл ичкилик ичса гўдаги қонадиган меҳр булоғи тўсилади, у бека бўлган хонадон чироғи хира тортади. Бундан ташқари, аёл ичса, соғлом фарзанд туғилмайди. Алақ оқибат авлодлар бардавонлигига путур етади.

Бугун аёл — ишбилармон, тадбиркор, фермер. Бугун аёлнинг қадами илдам, фикри ўткир, дунёқараши кенг. У ўзини ҳар бир соҳада намоён қила олиш имкониятига эга. Аммо, аммо... аёлнинг ичкилик ичиши кечирилмас ҳолдир.

Яқинда қариндошимиз яхши ниятлар билан элга дастурхон ёзди. Тўйхонада шодиёна кайфият ҳукмрон. Давра меҳмонлар билан тўлган. Тўй чиройли ўтмоқда. Биз-

тонасига қадам қўяётганларни ичкилик хўплашга ундаётганларнинг деярли ҳаммаси ҳали оила не эканини билмайдиган ўсмирлар, ёш йигит-қизлар эди.

Бу манзарадан ранжиб атрофни кузатаман. Даврадошлар ўзаро қадаҳ уриштириш билан овора. Ҳамма ўз тилагини бир-бирига изҳор этган ҳолда қадаҳ кўтараяпти. Наҳотки, оппоқ, бокира туйғулар кошонаси, вафо остонасига илк қадам ташлашни оқароқ билан нишонлашга кишилар шу қадар берилиб кетишган бўлса?

Қизиқ, биз ўзбекларга хос бўлмаган, ҳатто ярашмайдиган бу каби ғайритабиий одатларни қаердан ўргандигу ва бу даражада сайқал беришга қачон улгурдик экан-а? Ота-бобола-римиз турмуш кураётган ёшларни турли ёт нигоҳлардан кўз қорачиғидек асрашга ҳаракат қилишган. Бугун биз авлодлар нега ёшларни қадаҳ кўтаришга ундаяпмиз? Илгари никоҳ тўйлари ниҳоятда

чиройли, энг муҳими меъёрида ўтган-ку. Нега энди тақлидни ўзига шиор қилиб олган айрим кишиларнинг хоҳиш-истаги билан тўйлари бўлмагур одатлар билан бойитишимиз керак? Ахир, бу ҳеч бир қолипга сиғмайди-ку.

Қолаверса, тадқиқотлар-

# ДАВРАЛАРНИНГ ФАЙЗИ

## БУГУН У НИМА БИЛАН БЕЛГИЛАНАЯПТИ?

мавжуд. Қўлланилганида яқини аянчли бўлгани учун улар ҳақида ёзиш, гапириш оғир. Булар сирасига шайтоннинг суви, яъни ароқни ҳам кириштириш мумкин. У ҳам қачонлардир, кимдир томонидан кашф этилган. Ушбу кашфиётнинг ҳаёт тарзимида зиёни бўлса, борки, асло фойдаси йўқ. У туфайли оилалар пароканда бўлади, у кирган хонадонда носоғлом муҳит вужудга келади.

Қарияларимиз ичкилик ва унинг салбий оқибатлари ҳақидаги фикрни бир оғиз сўз билан ифода этишади. Яъни уларнинг таъбирича, ичкилик шишанинг ичида тинч туради, тананга киргач, ўз йўригига солиб ногорасига ўйнатади. Шунинг учун агар ақлинг бўлса, ундан йироқ бўлгин, дейишади.

Дарҳақиқат, ақлни тизгинлаб оладиган ичкилик кишини ҳаёт лаззатидан бебахра қилади. Энг ёмони, ичкилик халқнинг нафратига сазовор қиладиким, у туфайли киши нафақат бор-будидан, балки оиласи, ёру биродарлари, қариндош-уруғларидан ҳам ажралиб қолади. У туфайли инсонлар нафақат моддий, балки маънавий зарар кўришади. Ичкилик боис оилаларнинг барбод бўлиши, турли хил кўнгил хираликлар,

кат аҳли учун янгилик экан. Шунинг учун у ҳақида сўзлаб туриб элчилар "бу шундай бир ғалати ичимликки, микдорига қараб хусусияти ҳам ўзгариб бораверади. Яъни уни ичган киши дастлаб сархуш бўлиб, кайфияти кўтарилади, яна озроқ ичса, миясида аламли хотиралар жонланиб йиғлай бошлайди. Янада кўпроқ ичган киши ўзини идора қилолмай кўнглига келган ишга қўл уради", деб айтишибди. Уларнинг сўзига қизиқиб қолган подшо шаробни синаб кўрмоқчи бўлиб, зиндонбанд этилган асирлардан бирини олиб келишга буюрибди. Асирга аввал бир қадаҳ шароб берилади. Уни ичган, асирнинг юзида бироз табасум зоҳир бўлади. Иккинчи қадаҳни ичган асир маъюс тортиб қолади. Учинчи қадаҳдан сўнг эса у ўзини шердек ҳис этиб, ҳаммага тик қарайди ва уларга ҳақоратомуз сўзларни айтиб, ҳатто қўл кўтармоқчи бўлади.

Демак, бундан кўриниб турибдики, ичкилик кишининг ақл-идрокини ўзига асир этиш билан бирга, унинг хатти-ҳаракатларини ҳам издан

Шунда у "Э кўрмайсизми, эрталабдан роса ичиб олган ўрта ёшлардаги киши автобусга чиққан экан. У н г а яқинроқ турган аёл ароқ ҳидига чидолмади шекилли, "сал нарироқ турсангиз бўлмай-дими?" деган эди

у гап қайтариб ташлади. Шундан сўнг чиптачи келиб уни тартибга чақириб қўймоқчи бўлди. Жамоат транспортида маст ҳолда юриш мумкин эмаслигини тушунтирган эди, у лоақал эшитишни ҳам истамай шовқин кўтара бошлади. Ниҳоят ҳайдовчининг аралашуви билан у автобусдан тушиб қолди. Лекин автобусдаги йўловчилар бу орада жуда асабийлашишди".

Иш куни қандай кайфиятда бошланса, ишнинг унуми ҳам шунга яраша бўлади. Баъзан эрталабданоқ ичиб олиб жамоат жойларида юрадиган кишилар бир эмас, бир неча кишининг кайфияти бузилишига сабабчи бўлади.

Ичкилик, ичкиликбозлик ҳақида сўз кетганда, аксарият ҳолларда эркаклар айбланиди. Надоматлар бўлсинки, бугунги кунга келиб мўътабар зот, нозик хилқат ҳисобланмиш аёлларнинг ҳам бемалол давраларда қадаҳ кўтариши, баъзан меъёридан ортиқ ичиб норасо ишлар қилаётганини эшитиб, гувоҳи



дан икки стол нарида ўтирган аёлларнинг овози жаранглаб чиқаяпти. "Тўй хурсандчилиқ-да", ўйладим уларга қараб. Хонадон соҳиб тижорат соҳасида фаолият кўрсатади. Аёл ва эркак ҳамкасблари даврани тўлдириб ўтиришибди. Негадир аёллар овози тобора жаранглади, энди уларнинг ёнида ҳамкасб эркаклар ҳам пайдо бўлган ва улар кетма-кет икки ёшнинг бахти, соғлиғи учун қадаҳ уриштира бошлаган эди. Бу манзарадан ўзимни чалғитиш учун икки ёшга — келин-куёв томонга қарайман. Уларнинг атрофи ҳам ниҳоятда гавжум. Келин-куёв деярли кўринмайди. Уларни табриклашга чиқувчилар ҳатто навбат кутиб қаторлашиб туришибди. Биров келин-куёв учун махсус безатилган сахнага чиқаяпти, биров тушаяпти. Энг ёмони, ҳар бир чиқувчи ўз тилагини изҳор этган ҳолда келин-куёв олдидаги қадаҳни кўтаришга, ҳеч бўлмаганда бир хўплашга мажбурлашаяпти. Бахт ос-

дан маълумки, ичкилик истеъмол қилган ота-онадан аксарият ҳолларда ногирон болалар туғилади. Буни тиббиёт рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаган.

Модомики, ичкилик барча иллатлар дояси экан, ўсиб келаётган ёш авлодни ундан асрамоқлик ҳақида жиддий фикр юритиш фурсати етмадимикин? Зеро, машҳур олимлардан бири айтганидек, ичкилик оғу, заҳардир, ичкилик ичган одам ҳамма ёмонликни қилишдан тортинмайди, ифбат, номус, назокат, омонат, иқтисод, тадбир, оила, тарбия этиш каби гўзал хулқлардан бутунлай маҳрум бўлиб қолади, бойлик ва вақт каби қимматли хазиналарни зое кетказади. Шунинг учун бу заҳардан аввал ўзингизни, кейин оилангизни, қариндош-уруғларингиз ва дўстларингизни сақлашга бугун кучингизни сарфланг. Ҳар бир бузуқликнинг онаси ичкиликбозлик эканини англаг ва бошқаларга англатинг.

Ҳидоят ЖҲРАЕВА



# ИМТИҲОНГА УЧ КУН ҚОЛДИ

Олимларни нихоятда ҳурмат қиламан. Кунунчилик тарғиботи бўйича ишлаганимда вилоят прокуратурасига университетлардан домлаларни таклиф қилиб, маънавият мавзусида суҳбатлар, лекциялар уюштирганман. Ҳар куни жиноятчилар билан юзма-юз келавериб ходимларимизга уларнинг нуски уриб қолмасин, қалбларини юксак инсоний туйғулар тарқ этмасин деганман-да. Аммо, мен зиёли деганим «зулмат»ли чикса...

## ЎХШАТГАНДИМ

Эсимда, вилоят прокуратурасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими катта прокурори Дилфуза Қўчқоровани кўриб қолганимда у ўрта ва олий ўқув юртлирида текшириш ўтказаетганлиги, айрим нохуш ҳоллар учраётганлигини ачинаб гапирди. Яқинда ҳаммасларимни кўрай деб вилоят прокуратурасига бирор кириб ўтдим. Ўша текшириш натижалари билан қизиқдим. Дилфуза «ўжар» фактларни келтирди.

2004-2005 йиллар давомида Қарши Давлат университети собиқ раҳбари ва бошқа мутасадди ходимлари томонидан тўлов-контракт асосида қўшимча ўринларга 34 нафар абитуриент асоссиз равишда ўқишга қабул қилинмасдан қолган.

«Асоссиз равишда ўқишга қабул қилинмасдан қолган»... Кўз ўнгимда мактабда юқори баҳода ўқиб, унинг ўрнига яхши ўқимаган синфдоши ўқишга кирган абитуриентнинг қиёфаси гавдаланади. Домлаларни қаргаган, адолатсизликдан зорланган ота-оналар хаёлимдан ўтади.

...Университетнинг тарих фани ўқитувчиси М.Убайдуллаева

2004 йил июль ойида фуқаро Л.Расуловадан шу университетнинг тарих факультетига ўқишга киритиб қўйиш эвазига 500 минг сўм, фуқаро Н.Тўраевани «Замонавий таълим технологияси Маркази»га ўқишга киритиб қўйиш учун 600 минг сўм пулини, физика факультети умумий ва экспериментал физика кафедраси ўқитувчиси Ш.Имомов 2004 йил август ойида фуқаро Ю.Пирматовга бошланғич таълим методикаси йўналиши бўйича ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, унинг 400 минг сўм пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган. Буларку жазосини олди.

Аммо, олим..., зиёли..., фирибгар... Бу тушунчаларни бир-бирига яқинлаштиришга ақлим ожизлик қилади. Университетда мен ҳурмат қиладиган кишилар кўп, оғайниларим ишлашади. Наҳотки...

Фалончи фалончининг ўрнига имтиҳон топширган эмиш деган гаплар юрса, ишонмасдим. Мана, «ўйин»лардан бир-икки мисол.

Қарши Давлат университети молия факультети 2-босқич талабалари А.Жўраев Косон қишлоқ хўжалиги касб-


## Қуёшга СИЗНИ...

хунар коллежини тамомлагани тўғрисидаги сохта диплом билан, Ж.Хўжамов Чирокчи туманидаги 81-ўрта мактабни тамомлагани тўғрисида сохта шаходатнома билан Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтининг бухгалтерия ва аудит йўналиши бўйича тест синовлари топширишган. Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти техника факультети 3-босқич талабаси З.Маҳмудов Чирокчи туманидаги 81-мактабнинг 11-синфини битирганлиги тўғрисидаги қалбаки шаходатнома билан Қарши Давлат университетининг физика факультетига кириш учун тест синовлари топширган.

Қаранга, 2005 йилда прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги» Қонун ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижасига кўра 24 та тақдимнома киритилган, 54 нафар шахс интизомий, 49 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, 23 та жиноят иши кўзга тилган.

Бу рақамлар ортидаги манзараларни ўзингиз тасаввур қилаверинг...

Довуд МАДИЕВ,  
«Ишонч» мухбири



Август ойи — ўқув даргоҳларида «галвир сувдан кўтариладиган», билимлар синалиб, билимдонлар сараланадиган ой. Бу вақтни абитуриентлар қандай интизорлик, антикиш билан кутишини фақат абитуриент бўлиб кўрганларгина ҳис қилолсалар керак.

## КИМ ЎЗ БИЛИМИГА ИШОНМАЙДИ?

Ўтган йили бўлган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир танишимни пойтахтдаги нуфузли университетлардан бирига ҳужжат топшираётган пайти учратиб қолиб, ўқишга қандай тайёргарлик кўрганини суриштирдим.

— Бирортаям китоб ўқиганим йўқ, лекин тайёргарлик зўр, — бош бармоғи билан «зўр» ишорасини қилиб, бир кўзини қисиб жавоб берди танишим. — 25.000 га «тоза»сидан гаплашиб қўйдим.

Тўғриси, унинг бу жавобига яхши тушунмадим.

— Ёниманинг «тоза»сидан гаплашдингиз, дўстим?

— Соддасиз-да, оғайни, соддасиз! Ҳозир ҳамма шпаргалкалар 99 фоиз гарантияли деганим.

— Хўш, у нимага 99 фоиз гарантия бераркан? — бу гал истехзо билан сўрадим.

У мени тагин тушунмади деб ўйлади шекилли, кулиб жавоб берди:

— Ўқишга киришга-да!

У шундай хотиржам, шундай кўнгилтўқлик билан жавоб бердики, порлаб турган кўзларига, болаларча содда нигоҳларига қараб ачинаб кетдим. Ўзининг билимига эмас, қандайдир бир қоғозга ишониб, кимларгадир алданиб қолаётганидан афсусландим.

...Мактабни битираётган йилимиз кекса ўқитувчимиз шпаргалка ҳақида гапира туриб, шундай деган эди: «Аслида, болаларим, бу нарсага мактабда яхши ўқимаган, дарсларни вақтида ўзлаштирмаганларнинггина иши тушади. Сизлар ҳеч қачон билимларингиз турганда бошқа нарсага ишониб қолманглар». Мен бу гапни ўша лаҳзада танишимга эслатгим келди. Бироқ насиҳат қилишга анча кеч қолганим (зеро, ҳеч бўлмаса бир-икки ой илгарироқ айтганимда у эҳтимол икки-учта китобни ўқиб чиққан бўлармиди...). Қолаверса, худди шу он унга насиҳат деганлари барибир қор қилмаслиги бирдан хаёлимга келди.

Очигини айтсам, танишимга ўша 25.000 сўмлик шпаргалкаси имтиҳон куни қанчалик асқотгани менга номалум. Билганим шуки, у бу йил ҳам ўша университетга ҳужжат топширди...

Элмурод НИШОНОВ,  
ЎзДЖТУ талабаси



## Бой берилган шконициятлар

Нурота туманининг Қадок номли қишлоғида Темир исмли машҳур уста яшайди. Уни тоғлар орасидаги аҳолининг кўпчилиги танийди. Техника соҳасида маълумоти йўқ, мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. Бироқ радио ва телевизорни, ҳаттоки ҳозирда тузилиши анча мураккаб саналаётган чет эл ускуналарини схемаларига қараб тузатганини кўриб қойил қолганман.

Қишлоқларимизда уста Темирга ўхшаган ноёб қобилиятли, талантли ёшларимиз кўп. Аммо билим олиш учун шароит йўқлигидан табиат инъом этган истеъдодлар ривожланмай қолиб кетмоқда. Балки, уста Темирнинг ноёб қобилияти ўз вақтида кашф этилиб, техника йўналишидаги олийгоҳларда билим олганда, эҳтимол, буюк ихтирочи, конструктор бўлиб етишиб чиқарди.

Олий ўқув юртлирига ки-

ришда тест синовларининг жорий қилиниши, ёшлар билимини синаб кўришда катта қулайликлар яратди. Аммо кейинги таҳлил натижалари тест саволлари ва ўрта мактаб битирувчилари билими ўртасида катта фарқ борлигини кўрсатмоқда. Яъни абитуриент мактаб билими билан етарли балларни тўплай олмайди, билими анча саёзлик қилади. Шу сабабли ҳам ота-оналар фарзандларини репетиторларга беришмоқда.

Репетиторлик қилувчи ўқитувчиларни қораламоқчи эмасмиз. Сўзсиз, 5-10 ой қўшимча сабоқ олган ўқувчилар катта билим олишади. Билими тенгдошларига нисбатан 2-4 баробар ошади. Асосан шахар ва шахарга яқин туманлардан ўқувчилар репетиторларга кўпроқ келишади. Шу боис ёш-

ларнинг ўқишга киришида ҳудудий жиҳатдан сезиларли фарқлар юзага келмоқда. Натижа кадрлар тақлиблиги муаммосини келтириб чиқараётган ва яқин келажакда бу жараён янада кучаяди. Халқ таълими бўлимлари маълумотларига кўра, кўпгина умумтаълим мактабларида чуқур билимга эга бўлган олий маълумотли кадрлар етишмайди. Баъзи фанларни бошқа фан ўқитувчилари (масалан географияни тарихчи, биолог, химияни биолог, математикани физик ва ҳоказо) ўтишга мажбур бўлишмоқда. Ҳозирги фан-техника ва иқтисодий ривожланиш жадал бораётган даврда фундаментал фанларнинг ҳар биридан мутахассис ўқитувчи дарс бериши зарур. Бунинг учун умумтаълим мактаблари, академик лицей,

касб-хунар коллежлари бакалаврият ва магистратурани битирган мутахассислар билан тўлиқ таъминланиши керак.

Узоқ туманлардан олий ўқув юртлирига кўпроқ ёшларни жалб қилиш ва улардан кўпроғи ўқишга кириши учун бизнингча уларга имтиёз берилиши керак. Ҳозир армияда хизмат қилиб қайтганларга тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдоридан қўшимча балл, имтиёз берилади. Бу эса фарзандларимизнинг кўпроқ ўқишга киришига ёрдам бўлади. Шундай имтиёз узоқ туманлар, қишлоқлардан келадиган абитуриентларга ҳам берилса яхши бўларди. Балки ҳар бир туман эҳтиёжига қараб вилоятлар ва туманларга ўринлар ажратилиши маъқулдир.

Туманларга ўрин ажратиш

жуда паст балл олган абитуриентни талабалikka қабул қилиш деган гап эмас. Ўқишга қабул қилиш давлат комиссияси қарори билан амалга оширилаверади. Тест — адолат мезони эканини ҳамма тушунади. Лекин тестдан қисқа вақт репетиторлик билан ўтиб кетаётган ўртамиёна абитуриентлар кўп. Улар спорт мусобақасидан олдин куч берувчи дори истеъмол қилган спортчиларга ўхшайди. Ўқишга кириб олган, зўрма-зўраки ўқишни битиришади. Булар узоқ тоғли туманлардан келадиган абитуриентларга рақобатдош бўлишди ва зўрлаб ёдлаб олинган «билим» кучи билан тенгдошларидан вақтинча ўзиб кетади, холос. Бу менинг шахсий фикрим. Яна билмадим...

Арзимурод  
РАҲМАТУЛЛАЕВ

# Ҳафталик TV дастури

31 июль — 6 август

## Душанба

# 31

### O'ZBEKISTON

- 5:55 Кўрсатувлар дастури
- 6:00 "Ассалом, Ўзбекистон"
- 8:00-8:45 "Технология"
- 8:45 ТВ асос
- 8:50 Олин мерос
- "Еш-ўймакда соз"
- 8:55 1. "Золуха ушун Уч ёшқ", Болалар ушун фильм. 2. "Кунда аксининг хитлари". Мультипликация
- 10:50 ТВ асос
- 10:55 "Сезнинг адрасингиз"
- 11:00 "Абзор"
- 11:10 ТВ асос
- 11:15 "Ошан бўлинг"
- 11:20 "Ошан бўлинг"
- 11:40 Х. Даврон, Б. Луфтуллаев "Солинг". Мумий номидида музыка драма, театрининг спектакли 1-чум
- 12:35 ТВ асос
- 12:40 "Солинг". Спектакль 2-чум
- 13:35 "Қушқорғабди"
- 13:55 Олин мерос
- 14:00 "Абзор"
- 14:15 ТВ асос
- 14:20 "Ассалом, Ўзбекистон" Кундалик дастур
- 15:20 "Ватан парвар"
- 16:20 "Аёл ва халқ"
- "Болалар сайраси"
- 16:40 "Эртанглар — яшаймиш вақтлар"
- 17:00 "Абзор"
- 17:10 ТВ асос
- 17:15 Олин мерос
- 17:25 "Рамак" студияси намойишлари
- 17:40 "Ортин бўйлаб" дастури "Мафрунор Бомант". "Ozbekelebin"
- 17:50 ТВ асос
- 17:55 "Шароф Холмисов ва доктор Валсон". Телевизион
- 18:30 "Шилдиқ уранган хунлар"
- 18:50 "Ориентер оқишлари"
- 19:00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан
- "Мирдиёр" МЮсуф 1-чум
- 19:20 Бирлик ва бахт хабарлари
- 19:25, 19:55, 20:55, 21:30 Эълонлар
- 19:30 "Абзор" (русларга)
- 20:00 ТВ асос
- 20:05 "Ошан бўлинг"
- 20:10 "Ишқ эртанг". Телевизион премьераси
- 21:00 "Абзор"

### YOSHLAR

- 21:35 ТВ асос
- 21:40 "Сиз сонинг орактар". О. Худаймурод
- 22:00 "Тадбир тўғриси". Телевизион премьераси (Қораз)
- 23:15 "Қўшимча мақбала" (SMS Осабериш)
- 23:25 "Ортин бўйлаб" дастури "Имидж эрактинг"
- 23:50-23:55 Тунги наволар

### TOSHKENT

- 18:05 Программалар
- 18:15 "Эртанг дегим"
- 18:30 "Тойлак", рус.
- 18:50 "Подулом 23, 5". Документални телевизион
- 19:15 "Будиле орактар"
- 19:30 "Табриқийлик, кутаймиш"
- 20:00 "Тойлак"
- 20:20 "Ишқ эртанг". Телевизион
- 20:45, 21:45 "Телевизион марказ"
- 21:00 "Ошан наволар"
- 21:20, 22:00 "Та асос"

### SPORT-TV

- 21:25 "Журналист тўғриси"
- 22:05 "Колонна". Художественни фильм. 1-чум
- 23:10-23:15 "Стойкой ноги, мой город"

### SPORT-TV

- 7:00 "Борро ушун"
- 8:00 "Варинг". Информационно-анимационни программа
- 9:00 Мультипликация
- 9:30 "Талин". Информационно-анимационни программа
- 9:30 "Детектив"
- 10:05 "Болаларимизнинг махалли"
- 10:50 АВТОГРАФ
- 11:15-12:05 "Талиман". Серил
- 18:00 "Детский спорт"
- 18:15 Мультипликация
- 18:30 "Абзор" (рус.)
- 18:55 "Жиди меня"
- 20:00 "Вести"
- 20:20 "Тел-а-тел"
- 20:30 "Коронави спорт"
- 20:45 "Дети Ванюшина". Серил
- 21:30 "Абзор" (уб.)
- 21:50 "Футболное обозрение"
- 22:10 "Про-ФИТ"
- 22:30 Волейбол. Чемпионат европы
- 24:00 Волейбол. Международни лига
- 1:00 "Стойкой ноги"

### ПЕРВЫЙ

- 4:55 Телеканал "Доброе утро"
- 8:00 Новости
- 8:05 Телеканал "Доброе утро"
- 8:30 "Ангел национальной безопасности". Многосерийни фильм
- 22:00 Дар
- 9:30 "Доктор Куртаев"
- 10:00 "Милана +"
- 11:00 Новости
- 11:15 Серил "Талиман"
- 12:05 Криминални Россия. "Огненный спорт". 1-я серия
- 12:35 Георгий Жуков, Леонид Курчалев в фильме "Война горади машинист"
- 14:00 Новости (субтитрами)
- 14:20 "Ошук. Верулки жиньям". Документални фильм
- 15:20 "Детектив"
- 15:50 "Путь горади" с Андреем Малаховым
- 17:00 Вечерние новости (с субтитрами)
- 17:15 "Крило зеркало"
- 17:50 "Любовь как любовь". Многосерийни фильм
- 18:55 "Жиди меня"
- 20:00 Время
- 20:30 Андрей Соколов в многосерийни фильме "Блины"

### SPORT-TV

- 22:30 "Колонна". Художественни фильм. 2-серия
- 23:30-23:35 "Стойкой ноги, мой город"

### ПЕРВЫЙ

- 7:00 "Борро ушун"
- 8:00 "Абзор" (рус.)
- 8:20 Мультипликация
- 8:45 "Детский спорт"
- 9:00 "Абзор" (уб.)
- 9:20 "Линия судьбы"
- 9:40 "Детектив"
- 10:10 Международни спорт. Теннис
- 11:15-12:05 "Талиман". Серил
- 18:00 "Детский спорт"
- 18:15 Мультипликация
- 18:30 "Абзор" (рус.)
- 18:50 "Плюс комарини"
- 19:15 "Телекомарини"
- 20:00 "Вести"
- 20:25 "Мониторинг"
- 20:45 "Дети Ванюшина". Серил
- 21:30 "Абзор" (уб.)
- 21:50 "Спорт — мажнана"
- 22:05 Футбол. Чемпионат Ўзбекистон. "Трактор" — "Шуртан"
- 22:55 "Формула-1"
- 23:55 Волейбол. Чемпионат европы
- 00:55 "Стойкой ноги"

### ПЕРВЫЙ

- 4:55 Телеканал "Доброе утро"
- 8:00 Новости
- 8:05 Телеканал "Доброе утро"
- 8:30 "Ангел национальной безопасности". Многосерийни фильм
- 9:30 "Доктор Куртаев"
- 10:00 "Милана +"
- 11:00 Новости
- 11:15 Серил "Талиман"
- 12:05 Криминални Россия. "Огненный спорт". 2-я серия
- 13:20 Криминални Россия. "Огненный спорт". 2-я серия
- 14:20 Андрей Соколов в многосерийни фильме "Блины"
- 15:20 "Детектив"
- 15:50 "Путь горади" с Андреем Малаховым
- 17:00 Вечерние новости (с субтитрами)
- 17:15 "Крило зеркало"
- 17:50 "Любовь как любовь". Многосерийни фильм
- 18:55 "Жиди меня"
- 20:00 Время
- 20:30 Андрей Соколов в многосерийни фильме "Блины"
- 21:30 "Что ушунг "Эстонию" Документални фильм
- 22:30 Визе закон. "Крутой маршрут"
- 23:00 "Ночь гляди"
- 23:45 Насилие Кинони в триллере "Дневной сон"
- 1:20 Остроумни фильм "В темноте" (2003 год)
- 2:00 Время
- 2:30 Остроумни фильм "В темноте". Продолжение
- 3:15 "Фестиваль ардини спорт". Документални фильм
- 3:40 Супергероек. "Прогулки с коммюнтами". 1-я серия
- 4:00 Новости
- 4:05 Супергероек. "Прогулки с коммюнтами". Продолжение

### ПЕРВЫЙ

- 7:00 "Борро ушун"
- 8:00 "Варинг". Информационно-анимационни программа
- 9:00 Мультипликация
- 9:30 "Талин". Информационно-анимационни программа
- 9:30 "Детектив"
- 10:05 "Болаларимизнинг махалли"
- 10:50 АВТОГРАФ
- 11:15-12:05 "Талиман". Серил
- 18:00 "Детский спорт"
- 18:15 Мультипликация
- 18:30 "Абзор" (рус.)
- 18:55 "Жиди меня"
- 20:00 "Вести"
- 20:20 "Тел-а-тел"
- 20:30 "Коронави спорт"
- 20:45 "Дети Ванюшина". Серил
- 21:30 "Абзор" (уб.)
- 21:50 "Футболное обозрение"
- 22:10 "Про-ФИТ"
- 22:30 Волейбол. Чемпионат европы
- 24:00 Волейбол. Международни лига
- 1:00 "Стойкой ноги"

- 14:00 Серил "Осторожно, модерн"
- 14:30 Русские мультипликация
- 15:00 Художественни фильм "СВИДАНИЕ С ДОНЕЦКОЮ ПРЕЗИДЕНТА". США, 1998
- 17:00 Художественни фильм "ОТКОСЬЕ МЫСЛИ". США, 1995
- 19:00 Серил "ГОРЕЦ 4". 8-я серия
- 20:00 Художественни фильм "СЕНСАЦИЯ". США, 2002
- 22:00 Художественни фильм "НЕЗНАЧАТЕЛЬНАЯ СМЕРТЬ". США, 1995
- 0:00 Художественни фильм "ЗАЛОЖНИЦА". США, 2001
- 2:00 Художественни фильм "СМЕРТЕЛЬНЫЕ УВЛЕЧЕНИЯ". США, 1999
- 4:00 Серил "ГОРЕЦ 4". 8-я серия
- 4:45 Художественни фильм "УКА ЗА МИЛЛИОН ДОЛЛАРОВ". США, 1971

### РОССИЯ

- 4:00 "Доброе утро, Россия"
- 7:45 Светлана Антонова, Денис Матросов, Сокар Кунера и Татьяна Васильева в комедийни сериале "Любовь моя"
- 8:50 ПРЕМЬЕРА Ольга Поникова и Александр Порохонин в приключени телевизион "Авантюристка"
- 9:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
- 10:00 ВЕСТИ
- 10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
- 10:50 Юрий Степанов, Роман Мадринов, Дмитрий Назаров, Егор Берков и Дина Корзун в телевизион "Гражданин не платит"
- 12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
- 13:00 ВЕСТИ
- 13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
- 13:40 Екатерина Семенова, Денис Карасов, Екатерина Васильева, Алексей Милославский, Виктор Степанов и Екатерина Вулицко в телевизион "Банирши"
- 15:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
- 16:00 ВЕСТИ
- 16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
- 16:40 "Образ жизни звезды". Телевизион
- 17:40 Михаил Меньков, Виктор Вербицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эмилиян Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берд, Владимир Дриной и Анатолий Лободкин в телевизион "Волки"
- 18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
- 19:00 ВЕСТИ
- 19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
- 20:05 "Стойкой ноги, малыш"
- 20:15 Голди Хоун и Мерил Стрип в комедии "Смерть ей к лицу". (США), 1999
- 21:55 ВЕСТИ +
- 22:15 Звездные Международни конкурсы популярни исполнители "Новая волна - 2006". Прямая трансляция из Юрматы
- 0:50 "Честный детектив". Авторская программа Эдуарда Петрова
- 1:20 ПРЕМЬЕРА Александр Тютин, Александр Цуркан, Михаил Химинев и Виктория Малежко в детективни телевизион "Итог". 2006
- 2:25 "Детский спорт"
- 2:35 Кино "Баронесса" на русском языке
- 3:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ

### ТВ-3

- 7:30 Подборочни голос возвращаю
- 8:00 Русские мультипликация
- 8:20 Мультипликация "Гарфиде". 55-я серия
- 8:30 Мультипликация "Сабрина - маленькая ведьма". 35-я серия
- 9:00 Мультипликация "Маска". 45-я серия
- 9:30 Русские мультипликация
- 10:00 Художественни фильм "НЕ СВЕКРОДИЛИСЬ". Россия, 1999
- 12:00 Художественни фильм "ПОСЛЕДНИЙ ТАНЕЦ". США, 1996

### РОССИЯ

- 4:00 "Доброе утро, Россия"
- 7:45 Светлана Антонова, Денис Матросов, Сокар Кунера и Татьяна Васильева в комедийни сериале "Любовь моя"
- 8:50 ПРЕМЬЕРА Ольга Поникова и Александр Порохонин в приключени телевизион "Авантюристка"
- 9:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
- 10:00 ВЕСТИ
- 10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
- 10:50 Юрий Степанов, Роман Мадринов, Дмитрий Назаров, Егор Берков и Дина Корзун в телевизион "Гражданин не платит"
- 12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
- 13:00 ВЕСТИ
- 13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
- 13:40 Екатерина Семенова, Денис Карасов, Екатерина Васильева, Алексей Милославский, Виктор Степанов и Екатерина Вулицко в телевизион "Банирши"
- 15:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
- 16:00 ВЕСТИ
- 16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
- 16:40 "Образ жизни звезды". Телевизион
- 17:40 Михаил Меньков, Виктор Вербицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эмилиян Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берд, Владимир Дриной и Анатолий Лободкин в телевизион "Волки"
- 18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
- 19:00 ВЕСТИ
- 19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
- 20:05 "Стойкой ноги, малыш"
- 20:15 РУССКАЯ СЕРИЯ Анна Ковальчук в детективни сериале "Тайны следствия"
- 22:15 ВЕСТИ +
- 22:35 ПРЕМЬЕРА Александр Тютин, Александр Цуркан, Михаил Химинев и Виктория Малежко в детективни телевизион "Итог". 2006
- 0:35 Николай Кайчук и Мир Райан в фильме "Город ангелов" (США-Германия), 1998
- 2:25 "Детский спорт"
- 2:40 СЕРИАЛ ДУА ПУЛМУЧНИКОВ. "Звонки парад"
- 3:20 Кино "Баронесса" на русском языке

### ТВ-3

- 7:30 Подборочни голос возвращаю
- 8:00 Русские мультипликация
- 8:20 Мультипликация "Гарфиде". 55-я серия
- 8:30 Мультипликация "Сабрина - маленькая ведьма". 37-я серия
- 9:00 Мультипликация "Маска". 46-я серия
- 9:30 Русские мультипликация
- 10:00 Художественни фильм "ЧТО ТО РАЩЕ ПЕРЯДЕТ". США, 1993
- 12:00 Художественни фильм "РАЗМЫСЛЕНИЯ". Россия, 1995
- 14:00 Серил "Осторожно, модерн"
- 14:30 Русские мультипликация
- 15:00 Художественни фильм "ПОВЕЛЕНИЕ СЕБЯ". США, 2004
- 17:00 Художественни фильм "ЗЫБЧИЕ ПЕСКИ". США, 2001
- 19:00 Серил "ГОРЕЦ 4". 9-я серия
- 20:00 Художественни фильм "СВЯЖЕНО НЕ ПОДЛЕЖИТ". США, 2001
- 22:00 Художественни фильм "СОВАРЖАЯ БОГА". США, 2002

- 14:00 Серил "Осторожно, модерн"
- 14:30 Русские мультипликация
- 15:00 Художественни фильм "СВИДАНИЕ С ДОНЕЦКОЮ ПРЕЗИДЕНТА". США, 1998
- 17:00 Художественни фильм "ОТКОСЬЕ МЫСЛИ". США, 1995
- 19:00 Серил "ГОРЕЦ 4". 8-я серия
- 20:00 Художественни фильм "СЕНСАЦИЯ". США, 2002
- 22:00 Художественни фильм "НЕЗНАЧАТЕЛЬНАЯ СМЕРТЬ". США, 1995
- 0:00 Художественни фильм "ЗАЛОЖНИЦА". США, 2001
- 2:00 Художественни фильм "СМЕРТЕЛЬНЫЕ УВЛЕЧЕНИЯ". США, 1999
- 4:00 Серил "ГОРЕЦ 4". 8-я серия
- 4:45 Художественни фильм "УКА ЗА МИЛЛИОН ДОЛЛАРОВ". США, 1971

### СТС

- 7:00 "Воскресие мелодии". Многосерийни мультипликационни фильм
- 7:55 "Омелчери". Многосерийни мультипликационни фильм
- 8:00 "33 науратнак мера"
- 8:30 Комедия на СТС "МОЯ ПЕРВАЯ РАБОТА"
- 9:00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ". Многосерийни художественни фильм
- 10:00 История в деталях
- 10:28 История с Евгением Гришковцом
- 10:30 Комедия на СТС "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН"
- 11:00 Кино на СТС "ОТЧАЯННИ ЗА УДАЧЕ"
- 13:00 "ТАЛИСМАН ЛЮБВИ". Многосерийни художественни фильм
- 14:30 "Экзельбург". Многосерийни мультипликационни фильм
- 15:00 "Омелчери". Многосерийни мультипликационни фильм
- 15:05 "Принцесса София". Многосерийни мультипликационни фильм
- 15:30 "Звездный десант". Многосерийни мультипликационни фильм
- 16:00 "Лига справедливости". Многосерийни мультипликационни фильм
- 16:30 "Отечественни зритель". Многосерийни мультипликационни фильм
7.00 "К СТАРТУ ГОТОВ". Художественный фильм. 8.25 "Полет на Луну". Мультипликационный фильм. 8.55 "Пинюки". Многосерийный мультипликационный фильм. 9.20 "Смешарики". Многосерийный мультипликационный фильм. 9.30 "Флиппер и Лопака". Многосерийный мультипликационный фильм. 10.00 Лучшая программа "Улицы Сезам". 10.00 "Приключения полевого мышишки". Многосерийный мультипликационный фильм. 11.00 "Аладдин". Многосерийный мультипликационный фильм. 4 серии. 13.00 "Хорошие песни". Развлекательная программа. 15.00 "Снимите это немедленно!". Развлекательная программа с элементами реалити-шоу. 16.00 Фильмы производства ВВС. "Мифы и герои". Шагерин-Ла. 17.00 Истории в деталях. 17.30 "УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ. МЕНТЫ-4". Многосерийный художественный фильм. "СТРИПТИЗ ПО-ТАЙСКИ". 18.30 "Том и Джерри". Многосерийный мультипликационный фильм. 18.50 Кино на СТС. "ЗОЛОТОЙ РЕБЕНОК". 20.50 Комедия на СТС. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ". 22.00 Кино на СТС. "БЕЗДНА". 0.30 "Хорошие песни!". Шоу-программа. 2.30 Кино на СТС. "СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ". 4.05 Кино на СТС. "БУЭНОС-АЙРЕС. НОЛЬ ГРАДУСОВ ПО ЦЕЛЬСИУС". 5.05 Кино на СТС. "ЧЕРНЫЙ СКОРПИОН".

HTB

4:30 Боевик "РОБОТ-ПОЛИЦЕЙСКИЙ" /США/ 6:10 Длительное утро на НТВ. Мультфильмы "БОЦМАН И ПОЛУГАР". 7:00 "СЕГОДНЯ". 7:20 "ДИКИЙ МИР" с Тимофеем Баженовым 7:50 Сериал "ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА" /Канада/ 8:25 "СМОТР". 9:00 "СЕГОДНЯ". 9:20 "ГЛАВНАЯ ДОРОГА". 10:00 "СУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК". 11:00 "КАРТИННЫЙ ВОПРОС". 12:00 "СЕГОДНЯ". 12:25 "ОСОБО ОЧАСЕН".

СЕЧЕНОВА

13:30 Сериал "ВСЕ ВКЛЮЧЕНО". 14:30 "ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ". 15:00 "СЕГОДНЯ". 15:25 Сериал "БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ". 17:30 "ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ". 18:00 "СЕГОДНЯ". 18:40 Кетлин Тернер и Дэннис Куэйд в комедийном боевике "СЕМЕЙСТВО БЛЮЗ ПОД ПРИКРЫТИЕМ" /США/ 20:30 Питер Уэллер в боевике "РОБОТ-ПОЛИЦЕЙСКИЙ" /США/ 22:30 Сериал "СЕКС В БОЛЬШОМ ГОРОДЕ" /США/ 23:40 ПРЕМЬЕРА. "АНТОНЕЛЛА РУДЖЕРО В МОСКВЕ". 0:10 "ВСЕ СРАЗУ!". 0:35 Шон Коннери, Натали Вуд и Генри Фонда в остросюжетном фильме "МЕТЕОР" /США/ 2:25 "КОМА: ЭТО ПРАВДА". 2:50 Сериал "ДАЛЬНОБОЙЩИКИ".

DTV

7.30 мультфильмы. 9.00 Самое смешное видео. 9.30 Фильм-расследование "Как ухаживали кумиры". "Альфред Шнитке". 9.55 Музыкальная программа "Неслучайная музыка". 10.00 Телемагазин. 10.30 Автоновости "Карданный вал ++". 10.50 Русский фильм. "ШИК". 13.00 Самое смешное видео. 13.30 Приключенческий сериал "КОМАНДА-А". 14.30 Детективный сериал "КРУТОЙ УОКЕР". 15.30 Мультфильмы. 15.45 Мультфильмы. 16.00 Мультфильмы. 16.30 Фильм-расследование "Как ухаживали кумиры". "Альфред Шнитке". 17.00 Русский фильм. "ФЕЙЕРВЕРК". 18.55 Музыкальная программа "Неслучайная музыка". 19.00 Детективный сериал "КРУТОЙ УОКЕР". 20.00 Самое смешное видео. 20.30 Самое смешное видео. 20.55 Шокирующая документалистика. "Когда праздник превращается в кошмар". 22.00 Реалити-шоу "На ринге с Сильвестром Сталлоне". 23.00 Детективный сериал "С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ". 137-я серия. 0.00 Детективный сериал "С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ". 138-я серия. 1.00 Автоновости "Карданный вал ++". 1.20 Агентство криминальных новостей. 1.45 Приключенческий сериал "КОМАНДА-А". 2.40 Юмористическая программа "Девушки не против...". 3.05 Реалити-шоу "На ринге с Сильвестром Сталлоне". 3.55 Альманах невероятных событий "Этот безумный мир". 4.20 Русский фильм. "ШУБ-БАБА ЛЮБА". 5.35 Игровое шоу "Деньги с неба". 5.45 Музыка на ДТВ.

ROSSIA

13:00 Сериал "СТОЛЫПИН... НЕВЫЧЕРНЫЕ УРОКИ". 15:00 "СЕГОДНЯ". 15:30 "ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД". Оксаны Пушкиной. Валентина Шарыгина 16:00 "СВОЯ ИГРА". 16:55 Сериал "МАРШ ТУРЕЦКОГО-2". 18:00 "СЕГОДНЯ". 18:35 "ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР". 19:05 "СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО. ИНФОРМАЦИЯ КРАЗЫШЕЛНИКО". 19:55 СЕРИАЛ ПО ВЫХОДНЫМ. Сериал "УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ". 21:00 Максим Суздальцев, Андрей Панин, Михаил Козаков и Татьяна Самойлова в фильме "24 ЧАСА". 22:50 Хью Грант и Энди Макдауэлл в комедии "ЧЕТЫРЕ СВАДЬБЫ И ОДНИ ПОХОРОНЫ" /Великобритания - США/

DTV

1:10 СТИВЕН КИНГ ПРЕДСТАВЛЯЕТ: Остросюжетный фильм "ЗОЛОТЫЕ ГОДЫ", часть 1-я /США/ 8:00 Сериал "НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ". 57-я серия. 8:30 Сериал "НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ". 58-я серия. 8:55 Для милых дам. 9:25 Мультфильмы. 9:45 Мультфильмы. 10:10 Мультфильмы. 10:30 Мультфильмы. 11:40 Русский фильм. "ФЕЙЕРВЕРК". 13:30 Фантастический сериал "ВСПОМНИТЬ ВСЕ". 14:30 Кукольное сатирическое шоу "Звездный семейка". 15:30 Игровое шоу "Время - деньги". 15:55 Русский сериал "ВИНТОВАЯ ЛЕСТНИЦА". 1-я серия. 17:00 Русский сериал "ВИНТОВАЯ ЛЕСТНИЦА". 2-я серия. 18:05 Самое смешное видео. 18:35 Хит-парад аватар "Осторожно, аферист!". 19:00 Шоу рекордов Гиннесса. 20:00 Русское злы.



Туркум лавҳалар

# Ҳаёт гавҳари

Табиатнинг нечоғлик гўзаллиги, мукамаллиги барчамизга аён. Йил тўрт фаслда ўз аксини топади. Фасллар эса ўзига хос бетакрорликда намоён бўлиш билан бирга, айни пайтда бири бошқасини тақозо этади. Зеро, баҳору ёз, кузу киш — уйғун ва яхлит ҳодиса.

Ҳаётнинг мана шундай бетакрорлиги унинг абадийлигидан нишондир. Бардавомлик эса ҳаётнинг, шавқли кечаётган тириклик дамларининг нашидалари — мангу ҳаёт қўшиқлари билан ҳамоҳангдир.

Инсон ҳаёт қўшиғининг наинки куйчиси, балки ижодкори ҳамдир. Агар кузатадиган бўлсак, инсон умри ижодкорликдан иборат эканлигига амин бўламиз. Негаки, бу ҳаётнинг инсон зоти олдига гоҳида ошқора, гоҳида пинҳона қўйган шарт, керак бўлса қонуниятидир.

Боғбон кўчат экади. Кўчат кўкарса, ниҳол бўлиб илдиз отса, вақти келиб гулласа, ҳосил тугса, меваси одамларнинг оғзига етса, данаги сараланса-да, ундан янги кўчат униб чиқса, фурсатида пайванд қилинса, мувафақиятли пайванддан сўнг, у янги боғ бағрига қўшилса, боғбон кўнгли тинчийди, қилган иши ҳисобга ўтади. Яратилган бу боғ уни бутун коинот билан боғловчи жон томирга айланади. У меҳнату иштиёқи билан барпо этган боғидаги ҳар бир дарахт, бўстондаги ҳар бир гул овозини жон қулоғи билан эшитиб туради, кўёш нуруни эмиб, ернинг ҳаётбахш кучидан, қувватидан баҳра олиб, парваришдан яшнаётганини кўргани сари завқига завқ қўшилади.

Эътибор берадиган бўлсак, бундайин жозибали жараён, нафис завқ дунёдаги энг муҳтарам зот-ўқитувчилар ва устозлар ҳаётида ҳам яққол намоён бўлади.

Боғбон кўнгли қулфини очиб, эккан кўчатларидан боғ кўкартирса, устоз қанчадан-қанча шогирдлар етиштириб, уларни меҳр нури билан безантириб, элга қўшади.

Албатта, ҳар ким ўзига хос ҳаёт йўлига эга, кимдир боғбонликни, кимдир шифокорликни, яна кимдир ўқитувчиликни ихтиёр этади...

Нима бўлганда ҳам, киши касбига ихлос билан, изчиллик ва матонат билан ёндашса, камолга етади, одамлар олдига ҳам, ўзи яшаб турган жамият олдига ҳам юзи ёруғ бўлади, энг асосийси, касби орқасидан нонини оқлаб ейди.

Дарвоқе, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Дунёда касблар кўп, ҳар бирининг ҳаётда ўз ўрни, ўз аҳамияти бор. Лекин улар орасида шундай бир улғу касб борки, бошқа барча касблар унинг негизига шаклланади ва тараққий этади. Бу олижаноб касбнинг номи ўқитувчилик, мураббийликдир».

Ҳақиқатан ҳам, инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, унинг камол топишида, ҳақиқий инсон бўлиб етишишида устоз-мураббийларнинг ўрни бекиёсдир.

Шундай экан, ўқитувчиликни, мураббийликни касб этган киши ўзининг жамият олди-

да масъул эканлигини ҳам ҳис этмоғи зарур. Бу масъулиятнинг нечоғлик муҳимлиги эса барчамизга аён. Доимо, устоз деган шарафли, шу билан бирга машаққатли юмушга бутун меҳрини берадиган, қалбида касбига бўлган ишқ олови аланга уриб турган кишигина бу масъулиятни англаб этади, ич-ичидан ҳис этади.

Зеро, боғбоннинг барпо этган боғи уни коинот билан боғловчи жон томирга айланганидек, ўқитувчининг, муаллимнинг не-не машаққатлар эвазига етиштирган шогирдлари уни жамият билан боғловчи мустаҳкам халқа бўлиб қолади. Устозлар ҳаётимиз гавҳарлари сифатида биз учун ҳамиша ардоқлидир.



## ЧИЛЛАМИ УЙ ёхуд қирқ куннинг хосияти

Қирқ рақамга азалдан ўзбек халқ оғзаки ижодида сирли рақам сифатида қаралган. Гўрўғлининг қирқ йигити, маликанинг қирқ канизаги, қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй бериш, жангларнинг қирқ кунлаб давом этиши-ю, қирқ кун йўл юриш, қирқ қулоқли қозон, қирқ хонали қаср, қирқ кунлик муҳлат, қирқ қароқчи... Хуллас достонлар, эртақ ва ривоятларни кузатсак, воқеалар ривожи қирқ рақами билан боғлиқ эканига амин бўламиз. Бундан ташқари, серқирра, кенг маъноли чилла сўзининг ҳам асл моҳияти қирқ рақамга бориб тақалади. Чунки маросим тусида кечадиган чилла даври қирқ кун мобайнида давом этади. Халқимизнинг байраму шодиёналари ҳам, ғам-ташвишли кунлари ҳам чилла даври билан боғлиқ. Чунончи, чилланинг қатор турлари мавжуд: туғилиш, тўй, аза, хатна ҳамда никоҳ чиллаларидир. Ҳар бир чилла даврининг ўзига хос қоидалари бор. Чиллалар уй файзли, шуқуҳли жой саналиб, ҳамиша эл назарида бўлган. Чиллалар хонадонда кексалар дуога қўл очса, улар қаторида кишилар ҳам тилак билдирса, албатта ижобат бўлади деб ишонишган.

Оилада чақалоқ дунёга келиши билан, митти гўдак учун ҳам, оналик бахтига муяссар бўлган аёл учун ҳам қирқ кун мобайнида давом этадиган махсус чилла даври бошланади. Чиллалар гўдак хонадон соҳибалари томонидан ҳар томонлама муҳофаза этилади, чилласи чиқмагунча беғоналарга кўрсатилмайди, ўзгалар қўлига берилмайди, бировлар олдига эмизилмайди, ниҳоятда эҳтиётланади.

Ниҳоят чилла даври тугагач, чақалоқ чўмилтирилиб, оҳорли либослар кийдирилади ва «Чиллангиз муборак бўлсин» дея яхши ниятлар қилинади. Она ҳам чилла даврида жуда эҳтиёт қилинади. Унинг уйга келган меҳмонлар билан саломлашмаслиги айб ҳисобланмайди. Чиллалар уйга қоронғуда кирилмайди, пишмаган гўшт ҳам киритилмайди ва ҳатто чиллалар аёлга қирқ кун мобайнида эри ҳам йўлатилмайди.

Аза чилласи ҳам, марҳумнинг жони узилган кундан бошлаб, қирқ кун давом этади. Бу даврда ўлик чиққан ва ювилган хона алоҳида эътиборда бўлади: қоронғу тушиши билан хонада чироқ ёқилиб, у ерда ёш болаларнинг ёлғиз ухлаб қолишига йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, аза чилласи мобайнида ҳафтанинг ҳар пайшанбасида хонадонда ош дамланади ва кўнгли сўраб келганлар Қуръон тиловат қилиб, марҳум ва барча ўтганлар руҳига фотиҳа ўқишади.

Хатна чилласи ҳам алоҳида ўринга эга бўлиб, ўзига хос қоидаларга риоя этилади.

Хатна чилласи даврида тўйбола ва хонадон алоҳида муҳофаза этилади. У ётган хонадонга шомдан кейин кириш беҳосият саналади. Суннат қилинган бола парваришга муҳтож бўлгани боис, ундан доимо хабардор бўлиш, эҳтиётлаш хонадон эгаларининг доимий эътиборида бўлади. Чиллалар хонадонда мунтазам исирик тутатиб туриш ҳам ўзига хос мазмун касб этади.

Никоҳ чилласи эса келин-куёвнинг шаърий никоҳга кириб, бир-бири учун танмахрамликка кирган вақтидан эътиборан қирқ кун давом этади. Бу даврнинг ёш келин-куёв учун нечоғлик муҳим ва масъулиятли эканлиги барчамизга аён. Бу вақт мобайнида улар бир-бирига кўникади, янги муҳитга мослашади. Чилла даврида келинчақка кўпроқ эътибор қаратилади. Хуллас никоҳ чилласи оdatига кўра келин-куёв қирқ кун мобайнида безовта қилинмайди. Улар бу даврни ўз ҳолича, эркин ўтказадилар.



## ЯНТОҚ ГУЛЛАРИГА ЯШИРИНГАН УЗУМ

Кеч куз эди. Дарахт япроқлари олтин ранг олган, қилт этган шабададан тўкилиб кеттудек. Ҳаво ҳам анча салқинлаб қолган, енгилроқ кийинган кишининг эти увишади. Тўрақул ака пахтаси чиқиб, ямоқзор бўлиб кетган чопонини эгнига илди-да, уйининг орқа тарафи бўйлаб ёйилган тоқзор томон юрди. Гарчи, ҳамма ёқда хазонлар уюлиб, ҳақиқий куз нафаси ўфуриб турса-да, боғдаги ток барглари ҳали сарғайиб улгурмаган. Тўрақул ака бостирмада очикқанидан безовта бўлаётган сигирига озгина ток барги бермокчи бўлди. Айқаш-уйқаш бўлиб кетган ток новдаларини бирин-кетин кесиб, тахлар экан, барглар орасида кўриниб-кўринмай турган, пушти ранг тусда жуда чиройли бўлиб гуллаган янтоққа кўзи тушди. Ток барглари соясида қолиб, кечроқ гуллаган янтоқнинг нафислиги-ю, гўзаллигини кўрган киши беихтиёр завқланарди. Тўрақул ака янтоқ танасига чирмашиб кетган новдаларни ҳам кеса бошлади. Шунда, новдага осилган бир бош тойифи узумнинг янтоқ гуллари орасига яширинганича турганини кўрди. У қўлидаги ток қайчиси билан узумни бандидан кесди. Сўнгра янтоқ гуллари орасидан секингина тортиб олди ва чангларини пуфлаганича, маржондек тизилган узум доналаридан бирини оғзига солди. Бу пайтда узумлар тугаб, кеч пишадиган тойифилар ҳам шифтга илиб қўйилган эди.

Тўрақул ака узум доналаридан яна бир-икки еди-да, ярқ этиб хаёлига келган фикрдан қувониб кетди. Ток новдаларини си-

гирнинг олдига ташлади. Узумни авайлаганча қўйнига солиб, даштда қўзиларини ўтлатаётган ўғли Низомжоннинг олдига йўл олди. У етиб келганида, Низомжон бошини қўлларига қўйганича ухлаб ётар, қўзилар эса Сарик чўққи этакларида ўтлаб юрарди. Тўрақул ака етилиб, шира бойлаган бир бош узумни қўлида тутганича, ўғлига қараб туриб, меҳри товланиб кетди. Кўнгли шўкроналик ҳисси билан тулиб, жўкка бир қараб қўйди.

Тўрақул ака ва турмуш ўртоғи Гулсара она узоқ йиллар фарзанд кўришмади. Бормаган жойи, кўринмаган табиби қолмади. Қўлларини дуога очиб, нолалар қилди. Ниҳоят, уларнинг доди фалакка етди, ўн тўрт йил деганда ўғил кўришди. Шуларни эслар экан, Тўрақул ака кўнглида бир дунё ҳаяжон билан секингина ўғлининг бошини силади. Ўғли уйғонгач, ўша янтоқ гуллари орасида авайлаб сақланган узумни унга едирди. Низомжон узум доналарини битта-битта оғзига солар экан, кўзларини катта-катта очганича, отасига боқар ва бу жаннатий неъматнинг гўяда ширин эканлигини қайта-қайта таъкидларди. Тўрақул ака кечгача ўғлининг ёнидан жилмади, унда-бунда насихатлар қилди.

Ниҳоят улар қош қорая бошлаганида, кўзиларини ҳайдаганича уйга қайтишди. Тўрақул ака ўғли билан дашту далалар узра ёнмаён келар экан, ўзининг нақадар бахтли эканини ич-ичидан ҳис этди.

## Мустақиллик тенгдошлари

— Ўша чиқишимдан сўнг бир неча кўрик-танловда иштирок этдим, Мирзо Улуғбек мукофоти лауреати, «Юлдузча» болалар кўрик-танловининг грант-при соҳиби бўлдим, қатор кўшиқлар ёздим. Тўрт йил кўшиқ куйладим. 1998 йилда режиссёр Зулфиқор Мусоқов ўзининг «Кичкина табиб» фильмига таклиф қилди. Унинг талабига жавоб бериш учун астойдил ҳаракат қилдим. Менимча, томошабинлар яхши қабул қилишди.

Хаёлимиздан кино лавҳалари ўтади. «Кичкина табиб» бемор қизчани очик ҳавога олиб чиқади.

— Энди... менга... сув керак.

— Сув? Сув топамиз.

— Ҳаво керак.

— Ҳаво бор, топамиз.

— Булут...

— Булут? Булут йўғу, у бўлмас, бўлмайдими?

— Йўқ, йўқ. Кичкина бўлса ҳам булут керак.

— Булут... Булут бўлса, гап-

бирларига кўрсатишса керак. Шунда ўзингизни қандай ҳис қиласиз?

— Яхши ҳис қиламан, тўғриси ёқади. Мен у даражада машҳур бўлиб кетмадим. Буни ўзи бўлмайди. Жуда кўп меҳнат қилиш керак.

— Санъатнинг йўли оғир бўлса керак-а?

— Санъат оддий нарса эмас. Бошқача туйғу. Унинг тагида қанча машаққат ётибди. Кўп тер тўқдим. Неча-неча синовлардан ўтдим. Ўтган саринг, ўзингизга ишончинг ортиб бораверар экан. Яхши ёмон одамларга дуч келдим. Бировлар санъатингни ҳурмат қилса, баъзан бировлар ноҳақ дилингни оғритади.

— Ажаб, Дилшод Каттабековнинг ҳам душманлари борми?

— Йўқ, ундоқ демокчи эмасман. Худо асрасин! Бу дунёда ҳеч кимнинг душмани бўлмасин, ҳамма бир-бирига дўст бўлсин! Лекин рақобат дейдими, бўлади. Оқ бўлгач, қора ҳам бўларкан-да.

Гўдаклигида телевизор олиб келишди. Сенинг туғилган кунингга совға дейишди. Ушанда роса сакрагани.

Дадасини тинмай саволга тутарди.

— Дада, одамлар бу қутига қандай киришади?

Аясига ялинарди:

— Ая, мен ҳам шу қутига кириб, кўшиқ айтай.

Сўнг...

Бугун завққа тўламан,

Ўйнаб-ўйнаб куламан.

Истиқлолга тенг ёшим,

Кулиб турар кўёшим.

Озод элининг ўғлиман,

Обод элининг ўғлиман.

Шундай гўзал байрамда,

Дилшод элининг ўғлиман.

Бу кўшиқни 1995 йил 1 сентябр куни — Мустақиллик байрамида беш ёшли Дилшод Каттабеков ижро этган эди.

Ўғлининг кўшиқчилигидаги истеъдодини пайқаган отаси уни Гулистондаги телестудияга олиб бориб, овозини ёздиради. Кўп ўтмай Дилшодни Тошкентга таклиф этишади.

қўйиб қўйди. Севсанг нима қиласан трубкани қўйиб...

Кулишамиз. Сўнг секин эҳтиёткорлик билан бошқа мавзуга ўтаман.

— Сиз ҳақингизда қандайдир «миш-миш»лар тарқалганми-ей.

— Бу саволни кечикиб берайспиз. Феврал ойларида тарқалган эди, ҳозир тинчиган. Астафурulloх, нима

ди. Жа, унақа, ҳар нарсани тақиб юриш ёқмайди. Аммо замонавий жинси, футболка кийиш яхши. Мажбур бўлсам кияман-у, лекин нимагадир костюм-шимда юришни ёқтирмайман.

— Бадиий китобга ҳушингиз қандай?

Спортга ҳам қизиқасизми? - дейман гапириш

услугини ўзгартириб.

— Уйимда, нимаиди,

# Санъатга айланган болаллик

лашамиз, булут ҳам топамиз. Осмонга тикилишди. Кўм-кўк.

Бироздан сўнг бобонинг қувноқ овози эшитилади.

— Эй, Дониёржон, мана, қара, булут керакмиди? Осмонга булут чикди.

Яна бир кўриниш.

Кичкина табиб хиргойи қилади:

Сенсан севарим,

хоҳ инон, хоҳ инонма,

Қондир жигарим,

хоҳ инон, хоҳ инонма.

Хижрон кечаси

чархфалакка етар, э вох,

Охи сахарим,

хоҳ инон, хоҳ инонма.

Кўнглини яйратиб юборадиган диалог, дилўрттар тарона.

— Яна қандай киноларда рол ўйнагансиз?

— «Қисмат», «Муҳаббат синовлари-1», «Муҳаббат синовлари-2», «Хавфли бурилиш», «Наҳотки, сен», «Тақдир чархпалаги», «Войдод, сумалак» фильмларида суратга тушганман. Айниқса, «Муҳаббат синовлари»даги ролимни томошабинлар олқишлаб кутиб олишди. Мени мухлисларим ижобий ролларда кўришган, салбий ролларда ҳам ўйнасам дейман.

— Санъаткорлигингиздан катта завқ туйган онларингиз бўлганми?

— Киночилар уйда «Муҳаббат синовлари», «Кичкина табиб» фильмлари премьераси бўлганда, томошабинлар менга роса қарсак чалишган, маза қилганман.

— Ўзингизга қанақа киноларни томоша қилиш ёқади?

— Рус тилида «ужас» дейдими?

— Кўрқинчли...

— Ҳа, кўрқинчли, фантастик. Ичига кириб кетиб қолсанг, қизиқ бўлади-да.

— Сиз анча танилиб қолдингиз. Кўчада юргангизда кишилар кинодаги ролингизни эслашиб, бир-

тўғри, одам камчиликсиз бўлмайди, холис танқид қилишса, майли, қилган хатонгни тузатасан.

— Дилшоджон, ҳали ўзингиз ёшсиз. Фикрлашингиз... Сизни нима улғайтирди?

— Кўплар шундай дейишади. Мен ундай деб ўйламайман. Тўғри, турли тадбирларда улуг-улуг инсонлар билан мулоқотда бўлганлигимнинг таъсири бордир.

— Санъатни деб болаликни йўқотиб қўймадингизми экан?

— Шу, шу. Мен асли сирдарёликман, у ёқда отаонам, акаларим, қариндош-уруғларим, ўртоқларим бор. Уларни баъзан кўргим келади, соғинаман. Қишлоқда ўртоқларим билан энди ўйнайман деганимда, Тошкентга кетишга тўғри келиб қолади. Шуниси бироз алам қилади. Лекин, ачинмайман. Болаликни беҳуда ўтказмаслик керак.

— Тошкент ёқадими?

— Жудааям. Менинг истеъдодимни намоён қилган бу — Тошкент. Пойтахтимиз тобора чиройи очиб бораёпти. Айниқса, радио қўйиб олиб, тунги Тошкентни сайр қилишни жуда яхши кўраман.

Жўшқин ҳаёт қалбимни қувонтиради, лекин гоҳ-гоҳ тугилиб ўсган сокин қишлоғингни ҳам кўмсаб қоларкансан киши.

— Ёшингиз ҳам балоғат ёшига яқинлашяпти...

— Муҳаббат... у-бу демокчисиз-да. Бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман. Мен ҳали кўп ишлашим керак.

— Бирортаси...

— Келинг, бу сир бўлиб қолсин.

— Майли. Хатлар келиб турадими? Қанақа мазмунда?

— Мухлисларимдан кўп хат келади. Баъзилари севаман деб ҳам ёзишади. Бир қиз кўнғироқ қилди. «Сизни севаман» деди-ю, шартта гўшакни

эмиш, Дилшодбек ўлибди, касалхонада оғир ётганмиш. Эшитиб кўрқиб кетдим. Ҳайрон қолдим. Томошабинлардан шу нарсани илтимос қилардимки, оғизга келган гапларни гапиравериш керак эмас. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин дермиш. Санъатда ҳали қиладиган ишларим кўп, Ватанимни, юртимни, иложи бўлса, хорижда ўз тилларида қуйлашим керак, ўзимни бошқа соҳаларда ҳам синаб кўрмоқчиман.

— Умрингиз узоқ бўлсин! Биринчи устозингиз ҳақида гапирсангиз.

— Биринчи устозим «Озод элининг ўғлиман» кўшиғининг матнини ёзган сирдарёлик санъаткор шоир Алижон Азимов. Бундан ташқари ижодимда ота-онамнинг ҳам ҳиссаси катта. Ҳозир устозларим кўп, улар мендан маслаҳатини аямайди. Мен ҳам уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

— Сиз «Озод элининг ўғлиман» деб куйлагансиз, мустақилликдан олдинги ҳаётни тасаввур қила оласизми?

— Китобда ўқиганман, аммо мен у даврда туғилмаганман-ку, бу ҳақда катталар гапиришсин. Лекин озод юртда туғилганимни бахт, деб биламан. Мустақиллик барчага, шу жумладан санъаткорларга ҳам катта имконият яратган деб ўйлайман.

— Санъатга кириб келганингизга ҳам ўн йилдан ошди, балки шоғирдларингиз ҳам бордир.

— Бее, мен ҳали ўзим шоғирдман-ку, ҳали устозлик даражасига етишимизга анча бор.

— Қандай кийиниш, кийфа сизга маъқул?

— Бунга илгари эътибор бермасдим. «Муҳаббат синовлари»дан сўнг имиджим ўзгар-

ҳалиги, ҳа китоб жавоним бор. Марк Твен, Абдулла Қодирий, Ғофур Ғулом, Худойберди Тўхтабоев каби ёзувчиларнинг асарлари менга ёқади. Спортдан футболни яхши кўраман. Яқинда ўтган жаҳон чемпионатини кўриб бордим. Ўзим тўп тепишни севаман.

— Газета ҳам ўқийсизми?

— Ҳа, «Даракчи», «Садо», «Эрудит», яна битта кўшилди, бу, - албатта, сизларнинг «Ишонч»ингиз. Бир нарсани айтсам майлими?

— Майли, айтинг.

— Журналистларга ҳайрон қоламан. Мендан интервью олишади. Лекин, бошқа нарсани ёзишади. Бу гапни мен айтмаганман-ку деб ажабланиб қоламан. Қандай бўлса, шундай табиий ҳолда ёзишса бўлмайдими? Сиздан илтимос, нимани айтсам шуни чиқаринглар.

— Бўпти. Севимли артистларингиз.

— Эстрада хонандаларидан Юлдуз Усмонова, Фаррух Зокиров, Маҳмуд Намозов, Тоҳир Содиков, Азим Муллахонов, «Божалар» гуруҳини ёқтираман. Актёрлардан Мурод Ражабов, Саида Раметова, Карим Мирходиев, Лола Элтоевага ҳавасим келади. Шулардек бўлсам дейман.

— Ҳозир қаерда ўқиясиз?

— Успенский номли мусиқа академик лицейида таҳсил оляпман. Имтиҳонлардан қутилдим, 1-курсни битирдим.

— Қайси фанларни ёқтирасиз?

— Адабиёт, она тили. Шеър ёдлашни уйга вазифа беришса орқа партага ўтиб ёдлаб, шу заҳоти айтиб бераман. Фанлардан алгебра сал ёқмайди.

— Дилшод Каттабеков яхши одамми?

— Мен ўзимга таъриф беролмайман. Ана, ўртоқларим айтишсин.

Қаҳрамон:

— Дилшод яхши бола. Ҳамма билан чиқишиб кета олади.

— Инжиқлик қилмайдими?

— Йўқ, характери зўр, урушқоқлик қилмайди.

Умид:

— Маҳаллада обрўйи бор, яхши.

— Дилшоджон, булар қанақа дўстларингиз? Бирга ўқийсизларми?

— Маҳалладош дўстларим, «охрана» (қулади).

— Буларнинг жуссаси унчалик...

— Кечирасиз, гапингизни бўлдим, га-а-п гавдада эмас, юракда жасорат бўлса бас.

— Сухбатимиз сўнггида сиздан бир латифа эшитсак.

— Мен айтадиган латифалар газетага чиқариладиган эмас-да.

— Айтинг.

— Йўғ-е.

— Тенгдошларингизга тилакларингиз.

— Нафақат тенгдошларимга, барчага бахт-омад ёр бўлсин, орзулари ушалсин! Тенгдошларимнинг эса ўқишларига муваффақиятлар тилайман. Юртимизда тинчлик-омонлик бўлсин!

Сухбатдош:  
Довуд МАХДИЙ



### ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Икки ош қошиқ майдаланган янтоқ ўти ёки илдири 250-300 мл қайноқ сувга солинади ва 15 дақиқа паст оловда қайнатилади. Қайнатмадан илиқ ҳолда овқатдан ярим соат олдин 50 мл дан кунига уч марта ичилади. Бу сурункали ич кетиш ва буйракдаги қумни йўқотишда ёрдам беради.

Янтоқ ейилса, боғланса ёки куйдириб, тутунига одам ўзини тутса, гулини туйиб боғланса, бавосилга шифо бўлади.

Янтоқнинг уч томчи шарбати эрта наҳорда бурунга томизилса ва бир соатдан кейин унинг устидан бинафша ёғи бурунга тортилса, эски бош оғригини бартараф қилади.

Янтоқ шишларни қайтарувчи, поклаш, шифобахш ва бошқа хусусиятларга эга бўлиб, захарларга қарши дори ҳисобланишини эсда сақланг.

Эслатма:  
Янтоқ шакарини (манна) ёш бола чечак билан касалланган бўлса, унга манна бермаслик керак.

Янтоқ қайнатмаси ёки дамламасини киши ёшига қараб истеъмол қилиш керак. Масалан, ёш болалар бир чой қошиқ, каттароқ ёшдаги болалар бир десерт ёки ош қошиқ, катталар 25 мл ёки 50 мл дан ичиш тавсия этилади.

Энг баланд чўққи	Улуғ, катта	Чиндам						Ёшлар нашри	
Билим босқичи						Фурсат			Кўп эмас
Маъри- фат					Наш-риёт	Юнон харфи			
Юк ташилади		Электр		Хаша- рот				Корақўл туси	
		Шеър вазни	Соч анжоми	Мингги қуш	Намуна	Куруқ мева		Харир тола	
Ғап бўлаги	Само- лёт	Машҳур опера	Назмий жумбоқ						
		Депутат				Денгиз		Хўл	
Нота		Контра- пункт							
		Осиё юрти					Япон валютаси	Исм	Миллий таом
	Зира- вор	Хордиқ	Ширинлик Рақам	Хасса					Ўсим- лик
	Шамол	Миллат				Ўзбек шоғри			
					Касб асосчиси	Испания шаҳри	Бадас- тур	Йилда 12 та	
Хунар- манд	Ўл бирлиги		Давлат рамзи						

Тузувчи: Ф.ОРИПОВ

Газетамизнинг 22 июл сонидан берилган сканворд жавоблари:

**Энига:** Камон. Пушка. Жасорат. Радиатор. Група. Дим. Лаос. Осло. Нуп. Бать. Жамна. Холисона. Кино. Ягона. "Гулистон". Она. Каман. Рига. Аш. Машинасоз. Уфор. Абу. Ем. Ирландия. Пи. Хусн. Тиббиёт. Ел. Куён. Ло. Жаноб. Кетмон. Нота. Сана.  
**Бўйига:** Машғулот. Аён. Рост. Титр. Расо. Жиға. Сочи. Балаҳмон. Посбон. Дина. Монтана. Капитан. Жигар. Сарсон. Гал. Султон. "Тико". Го. "Мир". Лаппак. "Як". Шона. "Унител". Муҳаббат. "Ил" Сатр. Илон. Иона. Зеби. Удмурт. Маятник. Шодиёна.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR»  
савдо уйи  
масъулияти  
чекланган жамияти



- ★ Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.
- ★ Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- ★ Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
- ★ Уларнинг сифати тўла қафолатланади.



Мурожаат учун телефонлар:  
(8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

### ✓ Қонун барчага баробар

## Ҳуқуқий муносабат билдирилди

Бошқармадир томонидан Республика Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида солиқ, валютага оид ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш юзасидан қонунлар ижроси бўйича 608 та, шундан 192 та юридик, 134 та жисмоний ва 282 та рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган шахслар устидан текширувлар ўтказилиб, ҳуқуқбузарларга 5 миллиард 456 миллион сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарима солинди. Ноқонуний муомалага киритилган 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот олиб қўйилди. Натижада 4 миллиард 40 миллион сўм бюджетга қўшимча тушум таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги «Спиртли ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан муайян ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Шайхонтохур туманида ота-бола фуқаролар Равшан, Жамшид ва Жаҳонгир Бурҳоновларнинг ўз уйларида қўлбола усулда спиртли ичимликлар ишлаб чиқарадиган «яширин цех» ташкил этганлиги аниқланиб, баҳоси 152 минг 400 сўм бўлган «Тошкент» ароғи, 4800 сўмлик «53» винолари, акциз маркалари, қўлбола спирт тозаловчи мослама ва турли ароқларнинг этикеткалари мусодара қилинди.

Мирзо Улуғбек туман бўлими ходимлари Тошкент катта

халқа йўлининг «Карвон бозори» ёнида ўтказган тадбирда фуқаро М.Айтбаев бошқарувидаги «ВАЗ-2106» русумли автомашина тўхтатилиб текширилганда, М. Ҳамидовага тегишли хорижда ишлаб чиқарилган, акциз маркасиз 873.000 сўмлик «PINE» тамаки маҳсулотлари борлиги маълум бўлди. Бошқарма томонидан яширин цехлар фаолияти текширилиб, 29 та қонунбузарликлар аниқланди. Мазкур ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилди.

**Б. МАСАЙДОВ,**  
Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари

## СОБИР РАҲИМОВ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ўқув йилига ўқишга таклиф этади

1. Тикувчи-бичувчи.

Кенг ассортиментдаги кийимларни тайёрлаш бўйича технолог. Буюртма бўйича тикувчи

2. Кенг ихтисосли сартарош.

косметолог-визажист.

3. Ошпаз - қандолатчи.

Миллий таомлари ошпази. Чет эл таомлари ошпази. Қандолатчи.

4. Маиший хизмат машина ва жиҳозларни таъмирлаш электромеханиги.

Сувутгич, кир ювиш машинаси, кондиционер, чангютгич ва бошқа жиҳозларни таъмирлаш бўйича уста

Ўқиш муддати — 3 йил

Манзил: Тошкент ш. С. Раҳимов тумани, Талабалар шаҳарчаси, 75-уй телефон 396-54-14.

Мўлжал: «Нукус» кинотеатри орқасида, 10,14,88-автобусларнинг «Нукус» кинотеатри бекати, 131,87,76, 34,28-автобусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати, 85,65,82,100-автобусларнинг «Кўз касалликлари» шифохонаси бекати

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.05г. Компания «MANMOOD SAEED COLLECTIVE Co» раскрывает информацию о намерении приобрести 2 420 288 штук акций простых именных АО «O'zikkilamchiranglimetal» (Узворцветмет), что составляет 50,26 % от уставного фонда.

Адрес эмитента: г.Ташкент, Сергели, Южная промзона.





Қадриятларимиз

# Қайга борсам, бошда

**Туркиядаги «Mega Basim» нашриёти санъатшунослар И.Богославская ҳамда Л.Левтееванинг «Тюбтейки Узбекистана XIX-XX веков» («XIX-XX асрларга хос ўзбек дўппилари») номли китобини рус ва инглиз тилларида босмадан чикарди. Ушбу мўъжаз илмий асар ўзбек дўппиларини юксак санъат намунаси сифатида ўрганган М. Горелик, Р. Мукминова, О. Сухарева, С. Алибеков, Г. Григорьев, И. Исмаилов тадқиқотларининг узвий давоми каби туюлса-да, кенг қамровлиги, фалсафий нуқтаи назардан ёндашуви билан ўқувчида илик таассурот уйғотади.**

# Дўппим...

Ўзбек қизи тиккан дўппида унинг соҳир ички дунёси акс этади. Жумладан, дўппи беағи келинчакнинг қайрилма қоши – муҳаббат рамзига ўхшаб кетади. Маросимлари мизнинг дўпписиз мукамал бўла олмаслиги, унинг миллий ифтихоримиз тимсолига айланиши, ошиги олчи ўзбекнинг «дўпписини осмонга отиши», пайти келганда «дўппини ечиб ўйга толиши», «дўппи тор келганда» изтироб чекиши, «дўпписи оёқости бўлганда» (Худо кўрсатмасин) кўй оғзидан чўп олмаган йигитнинг қаҳрли шерга айланиши, аздорларнинг ҳамдардлик билдирувчиларга дўппили бошини эгиши, булоқдан дўпписини тўлдириб сув ичаётган болакай, ўзи емай неварасига дўппи тўла туршак-майиз илинган нуруний – барча-барчаси шу китоб мутолааси жараёнида бир-бир хаёлдан ўтади.



Китоб санъатшунослик тарихи, халқ амалий санъати нуқтаи назаридан туриб битилган. Дастлаб ўқувчи дўппилар эволюцияси билан чуқур танишиш имконига эга бўлади. Шунингдек, унда «дўппи» сўзининг синонимлари, этимологик мазмуни кенг ёритилган.

Аслида қалпоқ турлари жуда қадимги даврларда пайдо бўлган. Жумладан, шарбуш, шаббуш – тунда кийиб ётадиган бош кийим ҳисобланган. Ўрта асрларда (X-XI асрлар) туркий қавмларга мансуб ҳарбийлар шарбуш кийишган. Буюк географ ва сайёҳ Ибн Баттуанинг хабар беришича, Шайх Шаҳобиддин аш-Шарбаший мадраса қуришдек савобли юмуш учун лозим бўлган сармоёни шарбуш тикиб йиққан экан.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё-Сурхон-

дарё, Хоразм-Қорақалпоқ дўппилари шакли, умумий кўриниши, тикилиш санъати, жияқдорлиги, каштасининг ранг-баранглиги жиҳатидан уйғун бўлиш билан бирга кескин фарқларга ҳам эга. Мана шу нуқтадаги нозиклик муаллифлар томонидан нуқтадонлик билан илганганлиги китобнинг қимматини оширган.

Барча турдаги дўппи безаклари шунчаки шаклий гўзаллик яратиб қолмай, ўзбекона фалсафа, ҳис-туйғуларни теран қамраб олган. Тадқиқотчилар турли ёшдагилар учун тикилган нақш-безаклар ўзига хос маъно касб этишини қайд қилишган. Осмон гумбазли, борлиқ тимсоли, Шарқ меъморчилигига хос бўлган минора, масжид, маҳобатли саройлар, мақбаралар рамзи, тўртбурчак шакл, оламининг тўрт асосий унсурдан (сув, тупроқ, олов ва ҳаво) ташкил топганлиги, йилнинг тўрт фасли, куннинг тўрт қисми, инсон ҳаётининг тўрт палласи (болалик, йигитлик, етуқлик, кексалик), дунёнинг тўрт томони каби жиҳатлар шаклларнинг фалсафий мазмунини очиб беради. Санъат даражасида яратилган дўппилар дўппидўз қиз-жувонларимизнинг нозик дидли эканликларидан далолат беради. Дўппи тика олмайдиган аёл зотини ўзбек оиласидан қидириб топиш кийин. Энг «нўноқ» аёл ҳам ҳеч бўлмаса чақалоғига атаб «шабпуш» тикади. Уларда ўзбек аёлининг меҳр тўла қалби акс этганини англаш мумкин.

Китобнинг сифатли қоғозда рангли суратлар билан чоп этилганлиги матбаа ишларининг яхши амалга оширилганлигини кўрсатиб турибди. Баъзи ўринларда ўзбек-форсий ўзакка эга бўлган сўзларнинг хато ишлатилганлигини (масалан, терма – тирма, навбахор – наубахор каби) истисно қилганда асар мукамал яратилган. Миллий либосимизни хорижликларга таништиришда унинг хизмати катта бўлишига шубҳа йўқ.

**Асрор НИЗОМОВ**

Бугуннинг одамлари

# Томдаги хўроз

**Каминанинг кулбаси Миробод бозори томонларда. Уни 25 йил муқаддам сотиб олганмиз. Шунинг учун ҳам у куннинг гаплари кечагидек эсимда...**

**Эски бозор сершовкин ва файзсизгина эди. Ён атрофдаги тор кўчалар, кўримсиз, пастак уйлар ғариб бир суқунат кўйнида чўкиб ётарди. Бу яқин тарих. Мана энди, ҳаёт тубдан ўзгарди. Мискин ховли-жойлар бузилиб, ўрнига осмонўпар, пурвиқор бинолар қад кўтарди. Тор кўчалар кенгайтирилиб, ён-атрофи гулзор қилинди. Мухтарам Юртбошимиз сая-ҳаракати ўлароқ бозорларга эътибор қаратилди. Жумладан, бизнинг бозорга ҳам...**

Бозори обод юртнинг файзи бор, барақаси бор. Новотранг доира шаклида бунёд этилган «Миробод» бугунги кунда дунёнинг энг олд бозорларидан асло қолишмайди. Бу ерда ҳаммиша саранжом- саришталик, тартиб-қоидалари ҳукм суради. Пештахталар устидаги анвойи ризқ-насиба дилга сурур солади. Бинобарин, Миробод бозори замон ва харидорлар талабига тўла жавоб беради.

Ҳали айтганимиздек, бизнинг «мўъжаз ватан» шу атрофларда (собик Рыночный тупик) Акбар Миркомиллов номли берк кўчада жойлашган. (Кўча номи ўтган йили ўзгартирилди).

Айтишларича, Акбар Миркомиллов маҳалларнинг бообурў кишиларидан бўлган. Турли идораларда масъул лавозимларда ишлаган ва одамийлик фазилатлари ила эл кўнглига йўл топган. Шунинг учун кўчамиз эндиликда

шу инсон номи билан юритилмоқда.

Миробод маҳалла фуқаролар йиғини байналмилал. Жумладан, бизнинг кўчада ўзбек, рус, татар, яҳудий, арман, грузин, тожик, корейс ва бошқа миллатга мансуб кишилар ўзаро аҳил, бир-бирларига камарбаста умргузаронлик қилишмоқда.

Бу жойлар «бузилиш режаси»га киритилганди. «Ана бузилади, мана бузилади» қабилидаги гап-сўзлар билан йиллар ўтди. «Хуржун» кайфиятдаги одамларнинг эса уй-жой қуриш, таъмирлаш, кўчани асфальт қилдиришга ҳафсалалари бўлмади.

Бироқ янги давр эпкини «хилват» бу гўшага ҳам эсди. Жумладан, тахминан беш-олти йил аввал ёнғин бўлиб, бир хонадоннинг кули кўкка совурилган, қорайиб ётган бино деворлари кўнглига ботиний рутубат соларди. Буни қарангки, бир йигит шу жойни сотиб

олиб, шундай иморат қурдирдики, эртақлардаги кўкка бўй чўзган қасрдек маҳобатли ва кўркем. Боз устига аллақандай ялтироқ металлдан хўроз ясади, «қаср» тепасига байроқдек ўрнаттириб ҳам қўйди. Назаримда бу хатти-ҳаракати билан гўё «йигитнинг хўрози» шундай уй қурдиради, демоқчидек эди.

Нима бўлганда ҳам кўпчиликнинг ҳаваси келди. Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, шу таразда «уй қуриш пойғаси» бошланиб кетди. Абдуманноп исми йигит «хўрозли уй»данда ошириб, кўш иморат солади. Шифокор Усмоннинг уйи нақ вилланинг ўзи бўлди. Тадбиркор Василанхон эркакларни-да доғда қолдирди. Кўшнлар гуруннинг бош мавзуи шу бўлиб қолди.

— Излаган имкон топади, — дейди Саодат исми аёл, — янги уй қурмасак бўлмас, болалар катта бўлиб қолди.

— Машина сотиб бўлса ҳам уй қураман, — ният қилади Турсунбой ака. Яна бирови қуриш учун банкдан кредит олаётганини айтади.

Қиссадан ҳисса шулки, тинчлик замони бўлгани учун кул босиб ётган мудроқ ҳислар уйғонган, чумоли карвони мисол гимир-гимир ҳаракатлар бошланган. Кимдир уйини таъмирляпти. Бошқаси янгисини қураяпти. Тонглар тонгдан юксалаяпти. Гўзал уйлар, жаннатвор гўшалар, серҳашам шаҳарлар Ўзбекистон аталмиш меҳварнинг кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшаёттир...

**Шарофат ИСКАНДАР қизи, «Ишонч» муҳбири**

# Мунажжим башорати

**Кўй.** Ушбу ҳафтада иш режангизни ўзгартириб, янги лойиҳа устида иш бошлайсиз. Айримлар ой бошидан излаган нарсасини топади. Ҳар қандай масалада ютуқларга эришасиз.

**БУЗОҚ.** Ҳафта давомида омад кулиб боқади. Уйда ва ишда кайфиятингиз кўтаринки руҳда бўлади. Айниқса, савдо билан шуғулланувчилар учун даромадли кунлар келади.

**ЭГИЗАКЛАР.** Ҳафта бошида қийнаб келаётган муаммолар ўз ечимини топади. Ижодкорларнинг фаолиятида янгиликлар рўй бериши кутилмоқда. Ҳафта охирида ўй-хаёлингиз молиявий қийинчиликлар билан банд бўлади. Сикилманг, бу ўткинчи.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Тадбиркорлар фойдали шартнома тузишлари мумкин. Кунлик ишларингиз зерикарли бўлса ҳам у сизга наф келтиради. Кутилмаганда режадан ташқари даромад қиласиз. Оилавий камчиликларни тўлдиришни унутманг.

**АРСЛОН.** Ушбу ҳафта жиддий ишга қўл урасиз. Ишингиз унумли бўлишини истасангиз, тажрибали биродарлар маслаҳатига кулоқ солинг. Омад сизга ёр бўлади.

**ПАЗИЗОД.** Ҳафтанинг биринчи ярмида кармонингиз тўлади. Уни ўз ўрнида сарфланг. Ҳар хил номақбул хаялларга берилманг. Дам олиш кунлари оилангиз билан табиат кўйнида ҳордиқ чиқаринг.

**ТАРОЗИ.** Янги ҳафта сиз учун ташвишли келади. Айниқса, молиявий қийинчиликлар сизни ўйлантиради. Бу борада оила аъзоларингиз кўмагига таянинг. Ташвиш тортманг. Ҳаммаси яна изига тушиб кетади.

**ЧАЁН.** Ўз ҳақингизда қайғуриб, яқинларингизни унутманг. Иш услубингизни ўзгартиринг. Чунки бир қолипга тушиб қолгансиз. Атрофдагиларга маҳоратингизни кўрсатиш вақти келди.

**ЎКОТАР.** Ҳар қандай ишда омадингизга таянинг. Фақат тажрибангизга асосланиб иш кўринг. Акс ҳолда зарар кўришингиз мумкин. Дам олиш кунни соғлигингиз ҳақида қайғуринг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Ижодкорлар учун ушбу ҳафта яхши келади. Калтафаҳм бўлманг. Сизга ёрдам қўлини чўзган ҳамкорларни унутманг. Обурўингизга путур етказишингиз мумкин. Кейинчалик ёлғизланиб қоласиз.

**ҚОВГА.** Анча ҳорғин аҳволдасиз. Асабларингиз бироз толиққан. Соғлигингизга эътибор беринг. Ўзбошимчалигингиз оқибатида моддий зарар кўрасиз. Дам олиш кунлари келгуси учрашув ва шартномаларни режалаштиринг.

**БАЛИҚ.** Эрталабдан асабийлашманг. Рухиятингизга таъсир қилади. Атрофингизга боқинг. Дўст ва душман фарқига боринг. Сиз ҳақингизда қайғураётганлар кўмагига таянинг. Ишда боши берк кўчага кириб бормоқдасиз. Ҳаммасини бошқатдан бошланг.

<b>Ishonch</b> <b>МУАССИС:</b> Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	<b>Бош муҳаррир</b> <b>Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ</b>	<b>Бизга қўнғироқ қилинг:</b> <b>Котибият</b> 153-52-78; <b>Хатлар бўлими</b> 153-85-43; <b>Юридик бўлим</b> 153-87-73	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади. Таҳририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайдди. Нашримиздан кўчириб босилгандан «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар белгиси остида чоп этилади.	<b>Навбатчи котиб - Ш.Абдуллаев</b> <b>Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиков</b> <b>Мусаҳҳих - Д.Камолов</b> <b>Навбатчи - О.Эргашев</b> <b>Саҳифаловчи-дизайнер:</b> <b>Н.Назаров ва Ю.Михайловский</b> Буюртма Г—916   Тиражи: 7540 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.00 Сопулда эркин нархда   2 3 4 5 6 7 8
	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.	<b>E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru</b>			